O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

Chorshanba, 16-sentabr, 2009-yil ● №40 (642) ● 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ● e-mail: hurriyat@doda.uz ● www.uzhurriyat.uz

"ЗАКОТ БЕРИШ БИЛАН БОЙЛИК КАМАЙМАЙДИ!"



Пайғамбар алайҳиссалом Қадр кечасини таърифлаб, унинг фазилати минг ойдан яхшироқ эканини айтганлар. Минг ой саксон уч йил демакдир. Демак, кимки бу кечани ибодат ва дуолар билан ўтказса, амал дафтарига саксон уч йиллик савоб ёзилади.

➪ 4-бет

ИККИ ҚИССА САБОҚЛАРИ



Киши ўз айбу нуқсонларини виждонидан яшира олмайди. Шу боис муаллиф бош қаҳрамони Тошбой тилидан қисса воқеаларини баён қилади. У барча қилган жиноятлари, бемазагарчиликларини эринмай бир-бир айтиб чиқади. Унинг айтган ҳангомаларидан китобхон аввал мириқиб кулади, кейин эса нафратланади.

➪ 7-бет

МУЛЬТФИЛЬМ — ЭРМАК ЭМАС



Мультфильм жуда мураккаб жанр бўлиб, у ижодкорлардан ҳам педагог, ҳам психолог бўлишни талаб қилади. 10-15 дақиқалик қисқа муддатли таъсирчан лавҳа яратиш учун жиддий тайёргарлик ва кучли салоҳият бўлиши лозим. Ижодкорларимиз ҳар доим ҳам бундай талабларга жавоб бера олмаяптилар.

➪ 8-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

■ **11 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби Б.Нургалиевни, МААТ Ижроия қўмитаси директори ва Миллий мувофиқлаштирувчилар кенгаши мажлиси иштирокчиларини қабул қилди.**

Оқсаройдаги учрашувда ШҲТ фаолиятининг устувор йўналишлари ва 2009-2010 йилларга мўлжалланган аниқ режалар муҳокама этилди.

■ 14 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов "Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида қуроллар, ўқ-дорилар ва портловчи моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни (Душанбе, 2008 йил 28 август) ратификация қилиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига имзо чекди.

■ **10 сентябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг семинари бўлиб ўтди. ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбир бола ҳуқуқларининг судгача бўлган босқичларида таъминланиши масалаларига бағишланди.**

■ Яқинда мамлакатимизда Осиё Тараққиёт Банкининг котиби Роберт Даусон бошчилигида ушбу нуфузли халқаро молия ташкилотининг делегацияси меҳмон бўлди. Ташриф доирасида ОТБ делегацияси мамлакатнинг турли вазирлик ва идоралари вакиллари билан учрашувлар ўтказиб, уларда мазкур йирик молия институтининг 2010 йилнинг май ойида Тошкент шаҳрида ўтказилиши мўлжалланаётган 43-йиғилишининг ташкилий масалалари муҳокама қилинди.

АДИБ ВА ЖАМИЯТ

ЗАМОНАВИЙ ҚИШЛОҚ

унинг қиёфаси, эртанги истиқболи ҳақида



2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

Қишлоқ ҳаётига эътибор доимо диққат марказида бўлган. Ўтган асрнинг охири — тўқсонинчи йилларда якка тартибда уй-жой қуриш учун томорқа ва қўшимча томорқаларнинг берилиши, олис қишлоқларга тоза ичимлик суви билан табиий газнинг ўтказилиши, давлатимиз раҳбарининг қишлоқ туманларида қўшма корхоналар, қишлоқ врачлик пунктлари, янги мактаблар, лицей ва коллежлар, болалар спорт мажмуалари барпо этиш йўлидаги жонкуярлиги фикримизнинг тасдиғидир.

Бу кенг кўламли ишлар Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида янги босқичга кўтарилгани, қишлоқ ҳаётини янада яхшилаш, яшаш маданиятини юксалтириш борасида хайрли ишлар қилинаётгани кундай равшан ҳақиқатдир. Юртбошимиз таъкидлаганидек, қишлоқ тараққий топса, юртимиз обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан "Ўзэкспомарказ" мажмуида бир ҳафта давом этган қишлоқ аҳолиси учун якка тартибдаги уй-жойларнинг лойиҳалари ва қурилиш материаллари ихтисослашган кўргазмаси шу мақсад йўлидаги эзгу ишларнинг янги босқичи бўлди, десак муболаға бўлмайди. Унда жумладан, жаҳон андозаларига мос ва мувофиқ намунавий қишлоқ аҳоли пунктларининг лойиҳалари намойиш этилди. Шуни айтиш керакки, ҳар бир лойиҳа-макет кўзда тутилган минтақанинг жуғрофий, геологик ва иқлим хусусиятларидан келиб чиқиб ишланган ва ҳар бири ўзига хос ва бетакрордир. Унда ҳатто мевали ва манзарали, атроф-муҳит ҳавосини тозалаб берувчи ноёб дарахт турлари ҳам инобатга олинган.

Албатта, бундай ғамхўрлик қишлоқ аҳлидан шунга яраша фидойиликни талаб этади. Ҳеч ким четдан келиб ҳаётимизни яхшилаб бермайди. Қишлоғим обод, турмушим фаровон бўлсин деган ҳар бир инсон аввало ўзи жонбозлик кўрсатиши лозим. Ёзувчи Ғаффор ҲОТАМнинг "Замонавий қишлоқ, унинг қиёфаси, эртанги истиқболи ҳақида" деб номланган публицистикасида айнан шу хусусда сўз юритилади.

3 »



Газета «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам тарқатилади.

ОБУНА — 2010

Қадрли юртдошлар!

Келгуси йил учун обуна аллақачон бошланди. Албатта, "Hurriyat"ни 2010 йил давомида ҳам мунтазам ўқиб боришингизга, биз билан ҳамфикр, ҳаммаслак бўлишингизга шубҳа қилмаймиз.

Ўз навбатида Сиз азиз газетхонларнинг фикрингизни билмоқчи эдик:

— Қайси мавзулар эътиборимиздан четда қолаяпти?

— Кўпроқ кимлар ҳақида, нималар хусусида ўқишни истайсиз?

— Ҳаёт бор экан ютуқлар ҳам, камчилик ва муаммолар ҳам бўлади. Айтмоқчимизки, Сизни бугун қандай муаммолар ўйлантираяпти?

Бизга ёзиб юборинг. Фикр-мулоҳазаларингиз, тавсия ва таклифларингиз фаолиятимиз мезонини белгилайди.



Унутманг, "Hurriyat" — сизнинг эркин минбарингиз!

Эслатиб ўтамиз: "Hurriyat"нинг нашр индекси — 233

ДУНЁ СИЁСАТИ

Юкия Амано — МАГАТЭ бош директори



Атом энергияси бўйича халқаро агентлик — МАГАТЭ аъзолари ташкилотнинг Венада бўлиб ўтган Бош конференциясида япониялик дипломат Юкия Аманони бош директорликка бир овоздан тасдиқладилар.

Бу ҳақда France-Presse хабар тарқатди. Амано 1997 йилдан буён ташкилотга раҳбарлик қилиб келаётган Муҳамад ал-Бараденинг ўрнини эгаллайди.

МАГАТЭнинг янги бош котиби жорий йилнинг 1 декабридан ўз вазифасини бажаришга киришади. Юкия Амано бош конференцияда сўзга чиқиб, МАГАТЭ аъзоларига миннатдорчилик билдирди ва ядро қуроли тарқалишининг олдини олиш асосий вазифаси бўлиб қолишини таъкидлади.

(Дунё хабарларининг давоми бешинчи саҳифада) 5 »

НУҚТАИ НАЗАР

ЖУРНАЛИСТ ЭТИКАСИ

у қандай бўлмоғи керак?

Турмуш иллатлари бадандаги ярага ўхшайди. Шундай бўлсада уни дарҳол кесиб ташлашга, шошилмаслик керак. Муолажа ҳаракатлари зое кетсагина охирги тадбирни қўллаб, жарроҳлик тиғини ишга солмоқ жоиз. Юзага қалқиб чиққан у ёки бу муаммо юзасидан оммавий ахборот воситаси учун танқидий мақола, кўрсатув ёки эшиттириш тайёрлашга ҳам менимча айнан шу таомил асосида ёндашмоқ даркор. Чунки шундагина ҳеч қандай гина-кудуратга ўрин қолмайди.

Яқинда мамлакатимизнинг нуфузли нашрларидан бири танқидий мақола билан чиқиб, туман миқёсида содир бўлган қусурни фош этди. Мақола вилоят миқёсида ўтказилган йиғинларнинг бирида муҳокама ҳам этилди. Тадбирда айримларнинг мухбирдан хафа бўлганини илғаб олиш қийин эмасди, "масалани аввал ўрганиб кейин ёзса ҳам бўлаверарди-ку", тарзида гапирганлар ҳам бўлди.

Дарҳақиқат, нафсиламбирини айтганда масалани аввал синчиклаб ўрган, кейин ёз, дея даъват қилганлар минг карра ҳақ ва қолаверса, бу — қонуннинг ҳам талаби. Яна бир жиҳат: мухбир ўз қаламини нуқул танқид учун қайраш ёки чархлашдан имкон қадар тийилиб юрмоғи даркор. Аммо... каминанинг журналистика соҳасидаги салкам 40 йиллик фаолияти шуни кўрсатадики, қаламкаш томонидан суриштирув олиб бориладиган томон сўралган ҳужжатлар, факт ва далиллар бериш ёки улар билан жилла бўлмаса танишиб чиқишга рози-ризолиқдан, мухбир билан учрашувдан кўпинча ўзларини олиб қочади, турли хил важ-карсонлар, пайсалга солиш, совуққонлик ҳолатлари, ҳаттоки таҳририят вакили билан сан-манга боришдек ҳолатлар ҳам баъзи-баъзида учраб туради.

2 »

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

ҚАРОР ВА ИЖРО

Мамлакатимизда электроэнергетика соҳасини ривожлантириш, такомиллаштириш ҳамда модернизация қилиш жараёнлари босқичма-босқич амалга ошириб борилмоқда. Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 11 ноябрдаги "Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги қарори билан ушбу соҳада катта ўзгаришлар амалга оширилган бўлса, кейинги босқичларда электроэнергетика соҳасида автоматлаштириш тизимини такомиллаштириш жараёнлари кузатилмоқда.

Электр тўловидаги қулайлик

Жорий йилда ҳам 2008 йилда тасдиқланган Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш ҳамда 2009 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим йўналишларини ҳаётга татбиқ этиш борасида белгиланган вазифалар бажарилиши юзасидан режалаштирилган электроэнергетика соҳасини модернизация қилиш, энергия истеъмолини камайтириш ва энергияни тежаш тизимини жорий этиш бўйича тадбирлар доирасида тендер савдолари якунланди. Биринчи навбатда, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини такомиллаштиришга доир чоралар кўрилаётгани ҳам ўз самарасини бермоқда. Тошкент шаҳрининг 3 та туманида электр энергияси бўйича тўловларни йиғиш вазифасини хусусий оператор компанияларига топшириш бўйича ўтказилган тажриба тўловларни йиғиш даражаси ўсганини ҳамда тижорат йўқотишлари камайганини кўрсатди. Жумладан, Тошкент шаҳрининг Собир Раҳимов туманида рўйхатдан ўтган "KOMPLEKT-ENERGIYA" шўъба корхонаси 2008 йилдан буён истеъмолчиларга электр-энергиясини етказиб беришда, электр энергияси бўйича қарзларни ундиришда хусусий оператор сифатида намунали фаолият кўрсатиб келмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 5 июндаги «Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ҳам айнан хўжалик юритувчи субъектлар, шаҳар ва қишлоқларда истиқомат қилувчи истеъмолчилар томонидан электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини такомиллаштиришга кўмак беради. Ушбу қарорга мувофиқ "Ўзбекэнерго" ДАК, вазирликлар ва идоралар, хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари зиммасига тегишли вазифалар юклатилган.

Ҳожиакбар САЙДАЛИЕВ,
Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани Давлат солиқ инспекциясининг "Юридик шахсларнинг муддати ўтган ўзаро дебиторлик қарздорликни назорат қилиш" шўъбаси бошлиғи.

ҲУҚУҚ

АРИЗА, ШИКОЯТ, ТАКЛИФ

билан ҳар бир фуқаро давлат идораларига оғзаки ёки ёзма равишда мурожаат этишга ҳақлидир

Ҳар қандай мамлакатнинг демократик хусусиятларини кўрсатувчи асосий шартларидан бири инсон ҳуқуқ ва эркинликларига қандай ёндашгани ҳамда унинг амалга ошиши учун қандай шарт-шароитлар яратилганида намоён бўлади. Фуқароларнинг асосий ҳуқуқларидан бири бу давлат органларига мурожаат қилиш ҳуқуқларидир. Ўзбекистон Республикасида давлат органлари томонидан фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш қонун ҳужжатлари билан мустаҳкамлаб қўйилган.

Хусусан, мустақиллик йилларида фуқаролар мурожаатлари ҳимояси йўлида хизмат қиладиган кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 1995 йил 30 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида"ги, 1994 йил 6 майдан амалда бўлиб, 2002 йил 13 декабрда янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонунлари каби норматив ҳуқуқий ҳужжатлар шулар жумласидандир. Мазкур қонун ҳужжатлари фуқароларнинг давлат органларига, муассасаларига мурожаатлари соҳасидаги муносабатларини тартибга солади.

Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонунида ариза, шикоят ва таклифларнинг мақсади, уларни давлат идораларига бериш тартиби, кўриб чиқиш тартиби, мурожаатларга эътиборсизлик билан қараганда жавобгарлик масалалари белгиланган. Мазкур қонунга асосан, фуқаролар давлат идораларига оғзаки ёки ёзма шаклда ариза, шикоят ва таклиф билан мурожаат этишлари мумкин. Қонунда фуқароларнинг оғзаки ва ёзма мурожаатлари бир хил аҳамиятга эга экани қайд қилинган. Аввалambор мурожаатларнинг юқоридаги учта турини бир-биридан фарқлаб олиш керак. Ариза бу фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимоси баён этилган мурожаатидир. Қонунда белгиланишича, шикоят фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тиклаш тўғрисидаги талаби баён этилган мурожаатидир. Таклиф эса фуқароларнинг давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларини ўз ичига олган мурожаати ҳисобланади.

Фуқароларнинг мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланишлари бошқа шахсларнинг, жамият ва давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги лозим. Мурожаатларда фуқаро ўзи ҳақида маълумотлар, ариза, таклиф ёки шикоятнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак. Агар фуқаро ўзи ҳақидаги маълумотларни кўрсатмаса ёки сохта маълумотларни кўрсатса, шунингдек, муаллиф имзоси қўйилмаган ёзма мурожаатлар аноним деб ҳисобланади ва кўриб чиқилмайди.

Фуқароларнинг мурожаатлари, агар улар қўйилган масалаларни ҳал этиш ваколат доирасига кирмайдиган давлат органига юборилган бўлса, узоғи билан беш кунлик муддат ичида тегишли органларга жўнатилади ва бу ҳақда фуқарога хабар қилинади. Фуқароларнинг таклифлари тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддат ичида кўриб чиқилади. Қўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлар бундан мустасно бўлиб, бу ҳақда таклиф киритган шахсга ўн кунлик муддат ичида маълум қилинади.

Шунингдек, ариза ёки шикоятлар масалани моҳиятан ҳал этиши шарт бўлган давлат органига тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддат ичида, қўшимча ўрганишни ва текширишни талаб этмайдиган ариза ёки шикоятлар эса ўн беш кундан кечиктирмай кўриб чиқилади ҳамда фуқаронинг мурожаатини кўриб чиққан давлат органи унга мурожаатни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида ва қабул қилинган қарорнинг моҳияти ҳақида ёзма шаклда хабар қилади.

Қонунда фуқароларнинг давлат органларига мурожаат қилиш ҳуқуқлари билан биргаликда жавобгарлик масалалари ҳам ўз аксини топган. Яъни фуқаронинг туҳмат ва ҳақоратдан иборат ариза, таклиф ва шикоят бергани Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 40-, 41-моддаларига ҳамда Жиноят кодексининг 139-, 140- ва 158-моддаларига асосан белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади. Бундан ташқари била туриб сохта маълумотлар баён этилган мурожаатларни текшириш муносабати билан давлат органи томонидан сарф қилинган харажатлар фуқародан суднинг қарорига биноан ундириб олиниши мумкин.

Тилов АБДУЛЛАЕВ,
Жиззах вилояти Ғаллаорол туманидаги хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус.

ЖУРНАЛИСТ ЭТИКАСИ

у қандай бўлмоғи керак?

(Бошланиши 1-бетда.)

Аммо шу ўринда масалани нуқул бир томонлама нохолис ўрганаётган ҳамкасбларимиз ҳам борлигини очиқ эътироф этмоғимиз лозим. Уларнинг касри кўпгина ҳалол ва покдомон ҳамкасбларимизни уялтиради.


Энди юқоридаги муаммоли ҳолатга келсак, ўша мақола муаллифини яхши танийман, мақолани тайёрлаш ва ёзиш билан боғлиқ ҳаракатларидан ҳам бохабарман. Мухбир дўстимиз йиғин муҳокамасига сабаб бўлган ўша долзарб мақола юзасидан нақ 8 ой елиб-югурди, мутасаддилар уни оворю, сарсон қилишди. Қонун талабига кўра сўраган ҳужжатлар ва маълумотларни беришдан, у билан юзма-юз мулоқотдан рўй-рост ўзларини олиб қочишди, каттароқ амалдаги "ёшулли" билан учрашиб, суҳбатлашишга ҳам имкон беришмади. Қабулхона мутасаддиси у жанобнинг мухбир билан учрашишга вақти йўқлигини 8 ой давомида писанда қилиб турди. Юқоридаги салбий ҳолатлар баён этилган мақола газета саҳифасини безагач эса бечора мухбирни масалани ўрганиш учун ҳаракат қилмаганликда, «ёшулли" билан учрашмаганликда, ҳурматини жойига қўймаганликда айблашди.

Бироқ, вилоят прокуратураси вазиятга қонун талаби ва соғлом нуқтаи назар билан қаради. Ҳақ жойида қарор топди. Қонуний ҳуқуқи ва манфаати ҳимоя қилинган шикоят муаллифи эса таҳририятга яна бир бора хат йўллаб, прокуратура ҳамда ижодий жамоага миннатдорчилик билдирди. Башарти оддийгина мухбир талаби қонун чегарасида, диёнат ва диққат-эътибор доирасида, ҳозиржавоблик билан ўша масъул маҳкама томонидан қараб чиқилганда ва ҳал этилганда бундай самимий дил сўзларини у ҳеч шубҳасиз ана шу ташкилот шаънига битган бўларди. Таассуфки, бунинг акси бўлди.

Танқид ва муаллиф. Бу сўзлар ортида қаламкаш гарданидаги масъуллик ва мажбуриятнинг катта юки ётади. Холисликка суянган, ғараз, туҳмат ва таъмадан холи ҳолда тайёрланган танқидий-таҳлилий мақола муаллиф ва таҳририятни ҳеч маҳал мураккаб вазиятларга олиб бормайди. Аксинча, ҳурмати ва нуфузини оширади. Касбимиз тақозоси боис, омма ҳукмига ҳавола этилаётган танқидий материаллар аксарият ҳолларда ўз эгасини топаётганини рўй-рост кўрамиз. Бу — яхши, албатта. Аммо мақолани ўқиш, хайрихоҳлик изҳор этиш ва маъқуллашнинг ўзи кифоя эмас. Гап унга нисбатан кўриладиган амалий чора-тадбирларнинг салмоғи, самараси ва таъсирчанлигида. Юртимизда умумэътироф этилган ва давлатимиз раҳбари томонидан ҳамиша қўллаб-қувватлаб келинаётган бир ибратли тамойил бор: танқид — ҳаётнинг оғриқли нуқталарини ишончли ва самарали тарзда даволовчи энг муҳим омилларнинг бири. Юртбошимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" китобида шундай сўзлар бор: ***"Бугунги кунда ҳар қайси матбуот ходими касб маҳоратини эгаллаш билан бирга ўз ҳаётий принципларига ҳам эга бўлиши, ҳақиқат учун курашишга интилиши, шу йўлда қатъият ва шижоат кўрсатиши, лўнда қилиб айтганда, виждон амри билан яшашини замоннинг ўзи талаб қилмоқда".***

Эътироф этиш лозим, истиқлол йилларида мамлакатимизнинг кўпгина нашрларида танқидий мавзуларда қалам тебратувчи моҳир ва малакали журналист кадрлар сафи шаклланди. Шу билан бирга юқорида эслаганимиздек, ўзгача қиёфадаги "мухбир" — ҳамкасбларимиз ҳам борлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Камина мамлакатимизнинг узоқ вилоятида яшаб, шу ерда баҳоли-қудрат қалам тебратаман. Баъзан машаққатла пойтахтдан минг чақирим йўл босиб келган ҳамкасбларимизга рўбарў келамиз. Чинакам ижод ёки у-бу масаланинг холис ечими мақсадида келган ҳамкасбларимизни кўриб, дилимиз қувнайди. Лекин ўз раҳбари ёки жамоа аъзоларига лом-мим демай, "ўзини-ўзи хизмат сафари"га йўллаганларни ҳам пайқаб қоламиз: таҳририятнинг "муҳим топшириғи" билан келганини сўрамасингиздан илдамроқ айтишади.

Вилоят туманларидан бирига қилинган сафар чоғида эса жуда "ғаройиб" воқеага дуч келганмиз. Биз кириб борган маҳкамада компьютерчи-оператор вазифасида ишловчи йигитнинг "Ака, газетага жўнатиладиган шикоят аризасини ким ёзиши керак: шикоятчининг ўзими ёки газета мухбирими?" — деган саволидан сўнг ўзимизни ҳолва еган эмас, балки бехос қалампир чайнаб қўйган боладай ҳис этганмиз. Вазиятга аниқлик киритилгач эса пойтахтда ишловчи «адолатпарвар» мухбирлардан бири бу чекка туманга анчадан буён серқатнов бўлиб қолгани, ой сайин келишни канда қилмаётгани аён бўлди. "Мухбир ака" навбатдаги ташрифларининг бирида ўша йигит ишлаётган идорага ҳам келибди. У ердаги раҳбарнинг кўзини шамғалат қилган ҳолда компьютерчи йигитга ўзи айтиб туриб, туманнинг "бир гуруҳ адолатталаб фуқаролари" номидан ўзи ишлаётган таҳририят Бош муҳаррири номига "шикоятнома" ёздирибди ва уни ҳаяллamай "текшириш"га киришибди. Компьютерчи йигит эса мухбирнинг ишига тушунолмабди. Бировларнинг ҳожатини чиқариш ёки савобли иш тамомила беғараз ҳолда амалга оширилмоғи керак. Хўш, "ҳамкасбимиз"нинг бу ишини беғаразликка йўя оламизми? Орага шахсий манфаат ва таъмагирлик аталмиш иллат ораламаганида, "мухбир ака" бу томонларга тез-тез келиб, бировларга ўз қўли билан шикоят ёзиб бермас ёки ўзи ёзган аризани ўзи текширмас эди.



Таҳририятларда танқидий мавзуларда қалам тебратишдек жиддий ва масъулиятли вазифа ҳар кимга ҳам иноиб топширилмаслиги даркор. Ҳалоллик, холисликни ҳаёти мезонига айлантира олган, таҳририят раҳбарияти ва ҳамкасблари синовидан муваффақиятли ўтган қалам соҳибларигина бу вазифани бажаришга муносибдирлар. Фикри ожизимизча, таҳририятларга келаётган ёки унинг жойлардаги мухбирлари томонидан ҳавола этилаётган фельетон ва танқидий-таҳлилий руҳдаги материаллар шу соҳага ихтисослашган ва ўз касбининг устаси сифатида эътироф этилган, ҳалол ва холис ниятли журналистлар қўлида сайқал топгачгина саҳифадан ўрин олмоғи зарур.

Бу жараёнда Бош муҳаррирнинг ўрни ва роли айниқса, катта. Мақоланинг ўзи, ундаги факт ёки мисол нечоғли муҳим, долзарб ва залворли саналмасин, башарти рост-ёлғонлигига шубҳа туғилгудек бўлса, яхшиси ундан воз кечган маъқул. Холис, беғараз, тамомила асосли ва қонун талабларига бекаму-кўст риоя этилган ҳолда чоп қилинган мақолалар эса асло беэътибор қолиб кетмаслиги керак. Матбуотнинг танқидий чиқишлари туфайли барҳам топаётган хато ва қусурлар, камчилик ва нуқсонлар анчагина салмоқли.

Аммо масаланинг бошқа жиҳати ҳам бор. Танқид қилинувчи томон аксарият ҳолларда уни ҳазм қила олмайди. Шу боис, баъзан уни хас-пўшлашга, ўз қилмиши оқибатини камайтириб кўрсатиш ёки ўзини оқлашга, айрим ҳолларда эса таҳририят ва мухбирни қоралашга, гоҳида қай йўл бўлмасин ҳатто улардан қасд олишга уриниш ҳоллари ҳам йўқ эмас. Оқибатда мақолада ўртага қўйилган масала ва муаммоларни бартараф этиш жараёни қийин, мураккаб кечади. Баъзан "мен нима дейману, қўбизим нима дейди" қабилидаги воқеалар ҳам юз бериб, мақолага пойинтарсойинтар тарзда ва ҳатто бутунлай тескари ёхуд мавзуга дахли бўлмаган мазмунда жавоб қайтарилаётган ҳоллар ҳам йўқ эмас. Аммо матбуотнинг танқидий чиқишларини юзаки англаб, унга нисбатан бепарво муносабатда бўлаётганлар бу соҳада республика Бош прокуратураси ва унинг вилоятлардаги тизимларида тўпланаётган тажрибадан ўрнак ва андоза олсалар ёмон бўлмасди.

Негаки, прокуратура органлари матбуотда кўтарилаётган ҳар бир танқидий чиқишга ўз вақтида муносабат билдиради. Энг муҳими, тезкорлик билан эълон қилинган мавзу юзасидан тегишли хизмат текшируви ўтказилиб,жавоби тегишли томонларга маълум қилинмоқда.

Яна бир мулоҳаза: оммавий ахборот воситаларининг танқидий чиқишлари аксарият ҳолларда талай амалий ишлар, таъсир чораларига сабаб бўлаётгани айни муддао ва қонун талаби ҳам — шу. Бироқ, кейинги пайтда ОАВ фаолиятида асосий ўринни мақтов ва ҳисобот шаклидаги материаллар эгалламоқда. Тўпланган илғор тажрибалар, замондошларимиз фаолиятининг ёркин ва ибратли қирралари, қимматли ташаббус ва бошламалар, хуллас одамларни фуқаровий фаоллик, фидойилик ва ватанпарварликка даъват этувчи лавҳалар шу руҳдаги чиқишларнинг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этади. Энди мулоҳаза қилайлик: жамиятда ОАВнинг танқидий чиқишларига муносабат мавжуд, лекин мақтов мазмунидаги чиқишларга-чи? Тан олмоқ ўринли: бундай чиқишларга муносабат деярли бўлмайди. Танқид қилинган шахсни жазога рўбарў қилишади-ю, мақталган кишини рағбат остонасига деярли етаклашмайди. Бизнингча, бу ҳақда ҳам ўйлаб кўриш керак, одамларни фаолликка ундамоқ, илғор тажрибалар ва ташаббусларни оммa орасига кенг ёймоқ, бу билан ютуқ ва муваффақиятлар доирасини янада кенгайтирмоқ учун ҳам шундай қилмоқ зарур эмасми?

Мухтасар қилиб айтганда, матбуотнинг ҳар бир сўзи истиқлолимизга, Ватан ва жамият равнақига, халқимиз тинчлиги, тотувлигига хизмат қилмоғи, ишимиз ва турмушимизга фақатгина наф келтирмоғи, улкан бунёдкорликларга ундамоғи шарт ва у асло беиз, бесамар кетмаслиги керак.

Абдулла СОБИРОВ,
журналист.
Хоразм вилояти.



Муҳим мавзудаги давра суҳбати

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтида "Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қонун ҳужжатлари ижросини таъминлашнинг асосий йўналишлари"га бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суд, Олий хўжалик суди, Вазирлар Маҳкамаси, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги ва бошқа тегишли вазирликлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, илмий тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртлари вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти директори Ш.Файзиев очди. Олий Мажлис Сенати Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси Ғ.Алиев, Адлия вазирлигининг бош бошқарма бошлиғи Н.Жўраев ва бошқалар халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан қонун ҳужжатлари ижросини таъминлашнинг асосий йўналишлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қонун ҳужжатларини тизимлаштириш ва ижросини таъминлашдаги асосий вазифалар мавзуларида маъруза қилдилар.

Давра суҳбати ниҳоясида иштирокчилар томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-амалий тавсиялар қабул қилинди. Шунингдек, тадбир якунида институт ходимлари тайёрлаган, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов асарларидаги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятига оид ғоялар ва фикр-мулоҳазалар, уларнинг фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда соҳага оид қўлланилган асосий тушунча ва атамаларнинг изоҳли луғати, ҳокимлар фаолиятига оид қонун ҳужжатларининг схематик ифодаланишини ўз ичига олган "Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқий асослари" деб номланган қўлланманинг тақдимоти ҳам ўтказилди.

Иноможон АБДИЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

Элликқалъада ёпиқ сув ҳавзаси

Элликқалъа тумани маркази — Бўстон шаҳарчаси ўзининг замонавий қиёфаси билан бу ерга ташриф буюрганларни лол қолдиради. Яқинда яна бир иншоот — ёпиқ сув ҳавзаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Иншоотнинг очилиш маросимига бағишланган тадбирда туман ҳокими Неъматилла Худойбергенов ва бошқалар сўзга чиқиб, янги сув ҳавзаси ёпларнинг сув спорти билан шуғулланишида муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлашди ва эндиликда ёплардан ушбу спорт тури пешқадамлари етишиб чиқишига тилак билдиришди.

Ғойиб ЁҚУБОВ,
"Hurriyat" мухбири.

Аҳоли қувончи

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан Шофиркон туманидаги "Жўйробот" ва "Денов" қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудидан кесиб ўтган 1,5 км. йўл туман йўлсозлари томонидан асфальтлаштирилиб, ҳудуддаги 3 та қишлоқнинг 1300 хонадонига хушкайфият улашди. Эндиликда болажонлар қиш ва баҳорнинг серёғин кунларида ҳам текис йўлда мактаб ҳамда болалар боғчасига қатнаши мумкин.

Шавкат НОСИРОВ,
"Hurriyat" мухбири.

Риштонда янги деҳқон бозори

Фарғона вилоятининг Риштон тумани марказида янги "Деҳқон бозори" мажмуаси қурилишининг биринчи босқичи фойдаланишга топширилди. Савдо-сотиқ учун барча қулайликларга эга бозор ҳудудидан 320 ўринли савдо павильони ва унга қўшимча яна 100 дан зиёд гўшт ҳамда сут маҳсулотлари расталари жой олган. Лойиҳада белгиланган 1 млрд. 54 млн. сўм ўрнига 1,5 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди.

— Янги савдо марказининг ишга туширилиши қишлоқ аҳли фаровонлигининг ошишига, давлат бюджети даромадларининг кўпайишига салмоқли ҳисса қўшиши шубҳасиз, — дейди Риштон "Деҳқон бозори" МЧЖ раиси Аъзамжон Эргашев.

Солиҳ ҚАҲҲОР,
"Hurriyat" мухбири.

Самарқандда юк автомашиналари ишлаб чиқарилмоқда

Мамлакатимиз автомобилсозлигида яна бир тарихий саҳифа очилди. Самарқандаги "СамКочАвто" заводида Германиянинг "MAN NUTZFAHRZEUGE AG" концерни ва "Ўзавтосаноат" АК ҳамкорлигидаги "JV MAN Авто-Ўзбекистон" қўшма корхонасида "MAN" русумли турли юк автомашиналари ишлаб чиқарилмоқда. Мазкур ҳамкорлик Ўзбекистон томонидан 51 фоиз, Германия ишбилармонларининг 49 фоиз улуши асосида йўлга қўйилди. Шунингдек, ушбу корхона мамлакатимизда автомобилсозлик соҳасини янада ривожлантириш ҳамда хизмат инфратузилмасини фаол ривожлантиришга хизмат қилади.


Убайдулла ХЎЖАНИЁЗОВ,
"Hurriyat" мухбири.

ЖАРАЁН

ЗАМОНАВИЙ ҚИШЛОҚ

унинг қиёфаси, эртанги истиқболи ҳақида

Биринчи мақола



1. Ихчам, лекин кўркам уйлар

Қишлоқдан чиқиб кетганимга ҳам ўттиз йилдан ошди. Ҳозир йўлим тушса, бўлак бир жойга бориб қолгандек ўзимни ғалати ҳис этаман. Чунки бу мен билган, болалигим ўтган, тупроқ йўлларида изим қолган қадрдон қишлоқ эмас, қандайдир бошқа жойдек гўё. Аслида ўша қишлоқ, ўша жой, аммо одамлар бошқача, турмуш тарзи, иқлим ва шароит бошқача.

Бир маҳаллар дашт этагида учта тўпор (уч-тўрт уйдан иборат қишлоқ) бўлар эди, у уч-тўрт хонадондан иборат ва бепоён пахтазор ичида бир ҳовуч бўлиб уммондаги оролчадай элас-элас кўзга ташланарди. Олтмишинчи йилларнинг бошида тўпорлар тугатилди ва режа асосида уй-жой қурилди. Янги қишлоқ йигирма уч хонадондан иборат бўлиб, унинг бир учи даштга туташган, биз болалар қош қорая бошлагач, анҳор бўйига чиқиб, пода қайтгач, молимизни етаклаб уйга қайтар эдик.

Шунда туёқлар остидан енгилгина чанг кўтарилар ва у шафақ ёғдусида қирмизи тусда товланар эди.

Гап ўша манзаранинг поэтик бўёққа бойлигида эмас, ҳозир ўша тупроқ йўлга асфальт ётқизилган, митти қишлоқ юзлаб хонадонлар билан бойиган, ҳатто кўчалар номланган. Албатта, бу кўнгилга ёруғлик бағишлайди, аммо барибир, нимадир етишмайди.

Хўш, нима?!

Назаримда, бизнинг болалик бошқачароқ кечган, табиатга яқин, унинг ўзи каби ранг-баранг, хаёлий бўёқларга бой бўлган.

Замонамиз болалари эса аниқликни ёқтиради ва манфаат юзасидан очиқ иш кўради. Ва бу ҳам табиий. Ҳар ким ўз даврига фарзанд бўлади. Даврнинг яхши-ю, ёмон жиҳати феъл-атворда акс этади. Замона зайли шуни талаб қилади.

Қолаверса, ҳозирги қишлоқлар аввалгиларга ўхшамайди, улар посёлка ё шаҳар-жойнинг ўзгинаси. Тиғиз. Ҳудудсиз. Яна денг, қурилишнинг адоғи кўринмайди.

Мени ўйлантирган муаммонинг бир учи келиб шунга тақалади.

Яқинда бир киши менга: "Ҳозир хорижга бориб тажриба алмашиш одат тусига кирди, ҳолбуки, ўзимизда ҳам ўрганса арзийдиган ишлар оз эмас", деди. Аслида шундай. Лекин хорижда ҳам андоза олса арзийдиган ишлар талайгина.

Яқин ўтмишда жаҳон харитасида Югославия деган мамлакат бўлар эди. Саксон олтинчи йили уни айланиб чиқиш насиб этган. Черногоре тоғ тизмалари иккига бўлиб турган бу ўлка ям-яшил ўрмонлари, арчазорлари, тубсиз дара ва унда жилдираб оқаётган зилол сувлари, йўлларининг шинам ва ораста лиги билан ҳавас уйғотган.

Шундан буён қанча сувлар оқиб ўтди. Йиллар тўфони бу давлатни кунпаякун қилиб юборди. Биз кўрган-билган кўп обод жойлар вайронага айланди. Лекин гап бу ҳақда эмас...

Мамлакатнинг аксарият қисми тоғлардан иборат, шунинг учун ҳам экин экиладиган майдонлар қаҳат. Шовуллаб ётган ўрмондан ялангликка чиққан заҳоти маккажўхоризорга кўзингиз тушади. Экинлар бўлиқ. Ҳар бир қарич ер ҳисоб-китобда. Уйлар ихчам, уч қават, қизил ғиштдан қурилган. Айтишларича, кексалар қуйида, ўрта яшарлар иккинчи, ёш-яланг эса учинчи қаватда яшар экан...

Ўша, саксонинчи йилларга келиб, ўзимизда ҳам қишлоқлар тиғизлаша бошлаган. Қолаверса, туғилиш беҳад ўсган. Эҳтимол, шунинг учундир, бир кун келиб бизда ҳам қишлоқлар шу тахлит қурилса керак, деб ўйлаганман. Очиғини айтаман, бугунги ишлар рўёби эса жуда ҳаяжонли, хайрли. Катта ўзгаришлар қилинаяпти. Қишлоқларимиз жамоли — шаҳарга бўйлашмоқда.

2. Оила, фарзанд ва унинг келажаги

Олтмишинчи йилга қадар учта тўпор мавжуд эди, ниҳоят режа асосида уйлар қурилди ва бизнинг қишлоқ бино бўлди. Ўшанда атиги йигирма учта хонадон бор эди, холос. Аммо мана шу оилаларнинг уч-тўрттасини айтмаса, қолган ҳар бирида ўндан зиёд бола бўлган.

Собиқ иттифоқ аҳоли ўсишида ҳам биринчи бўлишни истаган, шунинг учун ўндан зиёд фарзанд кўрган аёлни "Қаҳрамон она" деб сийлаган. Аммо болалар тарбияси, уларнинг эртанги куни кўпам ўйлантирган эмас!

Истиқлолдан сўнг бунинг асорати силқиб кўзга ташланди. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари жамият ҳаётига тоза қон янглиғ сингиб кираётган безавол насл тарбиясига алоҳида эътибор қаратиб келади.

Аслида ҳам оила, фарзанд ва унинг тақдирига жиддий қайғуриш керак.

Мен бир маърифатли инсонни биламан, серфарзанд оилада улғайган, аммо ўзининг уч нафар фарзанди бор, икки ўғил, бир қиз.

— Уларни тарбиялаб, оёққа қўйиш, яхши одамлар қаторига қўшиш осон эмас! — дейди у. — Айниқса, ҳозирги замонда! Улар ҳеч кимдан кам бўлмаслиги керак!

Ҳаётнинг паст-баландини кўрган бу одам асъаса-ю, дабдабага эмас, балки тарбияга урғу беради. Унга қўшилмай илож йўқ.

Бундан бир неча йил муқаддам шифохонада бир қария билан бир хонада ётганман. Бир куни у қаттиқ зорланди.

— Ўн битта ўғлим бор, йиғиб келсанг, бир пичоққа соп бўлмайди!

Ўпкаланиб айтгани учунми, бу гап менинг ёдимда қолган. Кейин билсам, аслида ўзи айбдор.

Нимага десангиз, у бир неча қайта уйланган, уч қиз, ўн бир ўғил кўрган, аммо на оилага ва на фарзандларга меҳр кўрсатган. Оқибатда бугун болалар ҳам отасининг ўзи каби, ҳеч ундан қолишмайди.

Бир куни кенжа ўғли кўнгил сўраб келди. У отаси билан шундай вағиллаб гаплашдики, ҳайрон қолдим. Яна денг, гапи пойинтар-сойинтар. Бир маҳал ким биландир урушганини, у кифтига пичоқ тортиб юборгани ҳақида айтди. Кейин апир-шапир ечиниб, ўша нохуш ҳодисадан қолган жароҳатни намойиш этиб мақтанди. Қария эса унга ҳайрат кўзи билан боқиб турарди.

Жуда аянчли эди, бу ҳолат.

Шунда ўша йигит ҳам, унинг мўйсафид отаси ҳам дунёни бузиб юргандек бўлиб туюлди менга.

Шундай оилалар бор: бешолти ака-ука уч-тўрт хонали уйда тиқилиб қолишган, бир томондан тирикчилик қилиш, иккинчи томондан келин тушириш, яна денг, уй-жой қуриш керак...

Осонми бу?

Йўқ, албатта.

Лекин нега фарзанд кўришдан илгари келиб чиқиши муқаррар бўлган мана шу муаммолар ҳақида умуман, ҳаёт ҳақида, келажак ҳақида ҳеч ўйлаб кўрмаймиз?

3. Кўнгил уйи — чироғи

Чилонзорда яшовчи бир оилани биламан, ота-она тонгдан шомгача ёлғиз ўғлига вақт топади, бири спорт машғулотига етаклаб борса, бири танлаб китоб ўқитади, бири компьютердан сабоқ берса, бири ҳайвонот боғига бошлайди...

Қишлоқда шундай имконият борми?! Йўқ бўлса, шароит яратиш мумкинми?

Модомики одам болам деб, чироғим ўчмасин деб яшар экан, уни едириб-ичириш билан чекланмай, тарбияни, чиниқиб ўссин, деса, шунга шароит яратишни ҳам унутмаслиги лозим.

Бола қандай йўлга солинса, унинг келажаги шунга яраша бўлади. Шарқнинг тарбия омиллари кўп.

Бешик устида айтилган алладан тортиб, узун кечалар безаги бўлган эртаккача тарбияга таъсир қилади.

Кўпни кўрган қария, ҳозирги кўп ёшлар ҳатто алла айтишни ҳам билмайди, дейди.

Мен эса бошқа нарса ҳақида ўйлайман: ҳар бир қишлоқда фуқаролар йиғини бор. Турмуш қураётган ёшлар дафъатан мана шу даргоҳга қадам босишади. Минг бир ҳаяжон билан никоҳни қайд этиш бўлимига кириб келган ёшяланг никоҳ тузилгани ҳақидаги шаҳодатномадан бўлак, айтинг-чи, яна нима олиб қайтади?

Оиланинг нечоғли мўътабар экани, ёшларнинг бир-бири ва ота-онаси, туғилажак фарзандлари олдидаги бурчи, оилавий иқлим, ахлоқ ва тарбия, меҳр-оқибат ҳамда садоқат ҳақида нега суҳбатлар ўтказиш мумкин эмас?!

Қишлоқ маҳалла оқсоқоллари бу юмушдан қочишмайди. Чунки бу — ҳайрли иш!

Кўнгил уйи нурланиб турган шундай дамларда кайвони момолар, иззатли боболар айтган сўз-ўгит ҳеч вақт унутилмайди.

4. Юрагида ўти бор йигитлар

Хўжайлида, фуқаролар йиғини қошида кўркам гузар бор, обод ва тўкислиги билан кишининг ҳавасини келтиради. Бир ёнда — ҳаммом, сауна. Яна бир ёнда меҳмонхона. Чойхона. Новвойхона. Пойабзал дўкони, сартарошхона. Яна бир ёнда — никоҳ базми ўтадиган тўйхона...

Яна шуниси борки, гузарга кираверишда, ишком остига сўри қўйилган, шойи кўрпача устида чоллар ёнбошлаб ётиб, чойхўрлик қилишади.

— Нега оқсоқолларни пойгакка ўтқазиб қўйдингиз? — деб сўрадим гузар боши Комил Жабборовдан.

— Атай қилганмиз, — деди у. — Оқсоқолларни кўрса, ёш-яланг ҳушёр тортади. Ўзини қўйиб юбормайди. Қарияларнинг уларга айтар гапи бўлса, шу ерда тўхтатиб, айтади...

Кейин билсам, оқсоқоллар дастурхонига ноз-неъмат ҳам гузар соҳибининг ҳисобидан тортилар экан.

Сабаб?

— Улар шу ерда ўтириб, битта болани тўғри йўлга солса, шунинг ўзи катта давлат эмасми?! — дейди у.

Шарқона меъморий жилолар билан безалган қўшқаватли мана шу гузарни шу ерлик ёшлар барпо этишган. Яна денг, ўша — оғир ва машаққатли тўқсонинчи йилларда.

— Ҳаммамизнинг қўлимиздан иш келади, бир гузар тикласак бўлмасмикин, деб ўйладим, — деб эслайди Комил Жабборов. — Шу ниятда бекорчи синфдошларни йиғиб маслаҳат солдим. "Маъқул, — дейишди улар, — лекин пулни қаёқдан оламиз?" "Менинг "Жигули"м бор, сизларда ҳам бозори чаққон бирон нима топилар", дедим. Хуллас, ул-булни сотиб, пулни ўртага қўйдик. Ўттиз йигит енг шимариб ишга киришдик. Бир йилнинг нари-берисида икки минг ўринли концерт зали, сауна, тўйхона қад ростлади. Шу орада оқсоқоллар мол бозори олис эканидан нолиб қолишди. Гузарнинг олдида деҳқон бозори, ортида эса мол бозори қурдик...

Нима, шундай гузар Навбаҳор туманида ҳам қад ростласа, ярашмайдими?!

Кўча чангитиб юрган қанчадан-қанча ёшлар ишли бўлади. Гузар қишлоққа файз киритиб, эл-улус бошини бириктиради, маънавий иқлимга таъсир ўтказади.

Ёки сиз шундай иш қўлидан келадиган йигитлар йўқ деб ўйлайсизми? Бундайлар истаганча топилади. Лекин ким уларнинг бошини бириктиради? Ким уларни эзгу ишга жалб этади?..

"Меҳробдан чаён"да улғайиб қолган Раъно укалари билан ўйнаб ўтирганини кўриб, отаси дашном беради: — Уят эмасми! Бор, қўлингни юв. Укаларингни бола десам, сен улардан ҳам ошиб тушасан!.. Ишинг бўлмаса, китоб ўқи, ҳуснихат ол...

Бу бизнинг кечаги кунимиз. Яқин ўтмиш.

Бўйи етиб қолган қиз боланинг укалари билан ўйнаши ҳам одоб доирасига кирмаган. Ва ҳали паранжи ташланмаган даврда унга талаб қўйилаётир: ишинг бўлмаса, китоб ўқи, ҳуснихат ол...

Бугуннинг талаби янада қатъий: — **XXI асрга биз соғлом наслни етказиб берайлик,** — дейди Президент Ислом Каримов. — **Фарзандларимиз алпқомат бўлишсин! Ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан биздан ўзиб кетишсин!**

Бунга эришиш учун аввало фарзанд униб-ўсаётган иқлимда замин яратиш лозим. Бу борада кўп ишлар қилинмоқда, лекин ҳамма жойда бирдек деб бўлмайди.

5. Ер — азиз. У ризқ-рўз манбаи

Бир маҳаллар атиги йигирма уч оила яшаган бизнинг қишлоқ ҳозир тўрт юзга яқин хонадонга эга. Яна тўрт томондан қўшни қишлоқлар шундай қисиб келган ва бир-бирига туташиб кетган. Яна денг, ҳар қайси хонадонда бир этак бола...

Ариза берилади.

Томорқа ўлчаб ташланади. Уй қурилади.

Экин майдонлари қисқариб бормоқда, қишлоқ эса кенгайиб бораётир. Бир пайтлар бир ҳовуч бўлган тўпорлар мунғайиб кўзга чалинган бўлса, бугун ҳали у-ҳали бу ерда бир парча экин майдони шундай кўринади. Ҳадемай бу жойни ҳам қишлоқ ишғол этади. Хўш, кейин нима бўлади? Аҳоли қаерда ишлайди? Ниманинг ҳисобига тирикчилик қилади?

Энг аянчлиси, бу қишлоқлар на бир лойиҳа асосида қурилган, на келажаги ўйлаб кўрилган.

На бир болалар ўйнайдиган майдонча бор, на бир спорт иншооти. На гузар бор, на қироатхона.

Ҳаммом, ҳунармандчилик, косиблик ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Яхшиям, вақти-замонида кимдир шу телевизорни ўйлаб топган, кечқурун барчани овутиб турадиган — шу. Лекин нима бўлганда ҳам, бу қишлоқ кишилари бошқалардан кам яшамаслиги керак-ку! Бу эса аввало уларнинг ўзига, саъй-ҳаракатига, қўлидан нима иш келишига боғлиқ...

Улар бемалолликка ўрганиб қолишган, ҳовлининг тенг ярмини ошхона, молхона, бостирма ишғол этади. Экин экишга эса бир парча ер қолади, холос. Бир пайтлар ер бемалол бўлган ва одамлар шундай ҳовли-жой қуришга одатланган. Ерни тежаш ҳеч кимнинг хаёлига келмаган.

Замон ўзгарди. Лекин бу тушунча энди ўзгариши керак.

Ўлкамизда ўтган асрнинг бошида тўрт-беш миллион аҳоли яшаган. Ҳозир-чи? Йигирма олти миллиондан ошиқ! Яна эллик йилдан сўнг вазият қандай бўлади?

Мана шундан келиб чиқсак, қишлоқ қурилиши билан машғул олимлар ўйлаб кўрса арзийдиган муаммо туғилади: хўш, замонавий қишлоқ қандай бўлиши керак?

Агар уйлар икки ё уч қават, ихчам қурилса яшаш тарзида номувофиқлик келиб чиқмайдими? Балки ёшлар учун кўп қаватли кооператив уйлар курган маъқулдир. Дейлик, туман марказида. Хуллас, қандай қилсак, экин экиладиган ҳосилдор ер тежалади? Эртага олдимиздан лоп этиб чиқадиган ўткир ижтимоий масала бартараф этилади? Бизни боқадиган шу она замин-ку?!

— Икки қават уй қуришга ҳамманиям қурби етмайди, — дейди ҳамқишлоғим Бахтиёр Эргашев.

— Бу ерда бўлмаса, бошқа қишлоқда, қурби етадиган одам қура бошлайди. Қаранг, Бешариқнинг "Рапқон" хўжалигида бир йилда беш юздан зиёд уй қурилган...

— Тўғрисини айтсам, вақтида Президент қўшимча томорқа бермаганида, пулинг бўлса, мол олгин деб ундамаганида, билмадим, ҳолимиз нима кечарди?

— Нега шундай? Одамлар қиламан деса, иш кўп, ундан ташқари томорқа бор...

Гап айланиб келиб моддий манфаатга тақалади, шуни рўйрост айтишга андиша қилади у.

— Бултур пахта қийғос очилган маҳалдаям қишлоқда яшаб, айнан қишлоқ хўжалиги соҳасига дахлдор бўлган айримлар теримга чиқмади. Нима эмиш, ҳақини кечикиб олган эмиш...

Гап шундаки, ўша "айримлар"га мансуб бўлган хонадондан кимдир шаҳарга қатнаб ишлайди, кимдир нафақа олади, яна кимдир ногирон. Шулар туфайли келадиган маблағ кун кўришга етади. Бундан кўнгли тўқ. Шунинг учун хотиржам. Жон койитгиси келмайди. "Ай-й, — дейди, — шу пахтани терган билан вақтида пулини бермайди!"

Кўл силтайди. Вассалом.

Нега улар ҳақ олмаса-да, яқин ўтмишда ўлиб-тирилиб ишлаган, канал қазган, ёпирилиб теримга чиққан, тонг отгунча пахта ташиган? Чунки кўрқишган: сиёсатдан. Қамалишдан. Отилишдан...

Ҳозир эса замон бошқача. Одамлар ҳақини таниган, агар хоҳламаса, сиёсат қилиш у ёқда турсин, ишга чиқинг, дейишга ҳам раҳбарнинг журъати етмайди.

Аслида ҳамма гап мана шу раҳбарга боғлиқ.

Судралиб юриб, умрни увол қилишни ким истайди дейсиз? Иш тўғри ташкил этилса, кишиларнинг кўнглига йўл топилса, улар қўллаб-қувватланса, шубҳасиз, қишлоқ ўзгара бошлайди, хўжалик ҳам оёққа туради, моддий манфаат ҳам бўлади...

Сиз атрофга бир назар ташланг: кимдир йўл, кимдир кўприк ва яна кимдир завод қураётир. Зеро, одамдан хайрли из қолиши керак! Биров четдан келиб, бу қишлоқ учун гузар қуриб бермайди, биров обод қилмайди уни! Шундай экан, ҳаракат қилиш, уни замонавий, обод гўшага айлантириш лозим. Айтади-ку, Яратган Эгам: — Сендан ҳаракат, Мендан барокат! — деб.

Ғаффор ҲОТАМ

Таҳририятга хатлар

Ғурур

Яқинда Россияда узоқ муддатли сафарда бўлиб қайтдим. Кетаётганимда она Ватанимни анча муддатга тарк этаётганим туфайлимикан, кўнглимда аллақандай ғашлик сезила бошлаганди, аммо ўша юртдаги Ўзбекистон Республикаси элчихонасига яқинлашганимда, айниқса, ҳилпираб турган Ватанимиз байроғини кўрганимда қалбим алланечук ғурурга тўлди.

Сафаримизнинг иккинчи куни Москва шаҳрини томоша қилиш мақсадида сайрга чиқдик. Шундай улкан шаҳарнинг қоқ ўртасида ўзбек халқининг онги ва тафаккури, бадиий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намояндаси, миллатимизнинг ғурури, шаъну шарафини дунёга тараннум қилган буюк мутафаккир — Алишер Навоий бобомизга ўрнатилган ҳайкални ва унинг пойида ял-ял ёниб турган чаман-чаман гулларни, виқор билан ўсиб турган ҳақиқий ўзбек теракларини кўриб, янада ғурурланиб кетдим, кўзларимга ёш келди, ўзбек миллатига мансуб эканимдан фахрландим.

Адиба АЛИМОВА
Тошкент шаҳри.

Сохта пул ва ҳужжат ясовчилар

Уюшган жиноий гуруҳ аъзоси бўлган қўқонлик Илҳом Ҳакимов жуда кўп миқдорда қалбаки банкнотлар ясаш билан шуғулланиб юрганида танишни Мақсад Аҳмедовга олган қарзи эвазига 1000 сўмлик қалбаки пулларни ясаб беришни таклиф этади. Кейин улар сафига Ҳамид Жалилов исмли йигит қўшилади. У компьютер устаси бўлиб, уйидаги "Pentium-4" компьютери ва "EPSON" русумли рангли принтер ёрдамида қалбаки ҳужжатлар ва пул ясашда устаси фаранг бўлиб кетганди. Икки фирибгар секин-аста автомобиль ҳужжатлари, ҳайдовчилик гувоҳномалари, талонлар, муҳрларни қалбакилаштиришга ўтишди.

Масалан, 2007 йил 5 февраль куни уюшган гуруҳ аъзоси Мақсад Аҳмедовнинг таклифи билан фуқаро А.Қодировдан 2005 йилда ижарага олинган "Дамас" русумли, давлат белгиси 15 V 3662 бўлган машинани бошқариш ҳуқуқини берадиган ишончноманинг "эгизини" тайёрлади.

Ҳ.Жалилов жиноий гуруҳ аъзолари билан биргаликда фирибгарлик, божхона қонун ҳужжатларини бузиш, қалбакилаштириш, улардан фойдаланиш жиноятини такрор содир этган. Республикамизга божхона ҳужжатларисиз олиб ўтилган ўнга яқин турли маркадаги енгил машиналар учун сохта қайд этиш гувоҳномаларини тайёрлаб бериб, анча ақчалик бўлиб олган...

Бу дунёда қилинган ҳар бир ишнинг, шу жумладан, қинғирликнинг ҳам ҳисоби бор. Давлат ва халқ манфаатларига миллий валюта ва расмий ҳужжатларнинг қалбакисини ясаш туфайли катта зарар етказган И.Ҳакимов бошлиқ жиноий гуруҳ фаолиятига чек қўйилди.

Муҳаммаджон УМАРОВ,
Фарғона вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси.

"Акам мендан хафа..."

1974 йилда туғилганман. Асаб касалликлари диспансерида рўйхатда тураман. 1994 йилда турмуш қурганим Зулфизар Бобоёрова билан тўрт фарзандли бўлиб, тинчгина яшаб келаётган эдик. Аммо бахтсиз тасодиф туфайли 2004 йилнинг 12 июнь куни мотоциклдан йиқилиб, бошим қаттиқ лат еди. Жарроҳлар 2 марта операция қилишди. Тирик қолдим, лекин соғлигим аввалги ҳолига қайтмади. Шундан сўнг нене умидлар билан бир ёстиққа бош қўйган жуфти ҳалолимнинг менга ва рўзғоримга нисбатан муносабати ўзгара бошлади. 2006 йилнинг февраль ойида фалокат босиб, яна мотоциклдан йиқилиб, қўлимни синдириб олдим. Турмуш ўртоғим ўша кунниг ўзидаёқ оғир аҳволимга қарамасдан 4 болани менга қолдириб, "касал боқиш жонимга тегди", — дея отасиникига кетиб қолди. Маҳалла оқсоқоллари-ю қариндошларимизнинг аралашувига қарамасдан турли ҳуқуқ-тартибот идораларига мурожаат этиб, никоҳимизни бекор қилиш тўғрисида суд қарорини чиқартириб, тегишли мол-мулкни бўлиб олди, кейин мажбурий ҳолда болаларимни олиб кетди.

Йил давомида касалхонада 5-6 маротаба ётиб даволанишимга тўғри келди. 70 ёшдан ошган отам ва онам ҳам менга қарашаман деб ҳолдан тойишди. Ноилажликдан 2007 йилнинг февраль ойида иккинчи марта уйланишга мажбур бўлдим. Айни пайтда иккинчи оилам ва бир фарзандим билан уч хонали уйимизда яшаб келмоқдаман.

Шу билан ҳаммаси тинчиб кетгандек эди. Аммо... собиқ турмуш ўртоғим яна "ҳунар" кўрсата бошлади. Яқинда акам Баҳриддин Мусаев ўз фарзандлари учун қура бошлаган, лекин пардозлаш ишлари якунига етмаган беш хонали уйга вилоят фуқаролик суди қарори билан мажбурий равишда кириб олди.

Бунга унинг "бу уйда менинг фарзандларим туғилган, бу уй меники", деб қилган даъвоси асос қилиб олинди. Ҳеч қандай суриштирувларсиз, ишни батафсил ўрганиб чиқмасдан ҳал қилув қарорини чиқариб берган вилоят судига нима дейсиз? Кам-кўстимга яраб турган акам ҳам энди мендан қаттиқ хафа.

Нуриддин МУСАЕВ,
2-гуруҳ ногирони.
Чироқчи тумани, Оқмачит қишлоғи.

НИГОҲ

ҲИДОЯТ

Шайх Абдулазиз МАНСУР:

"ЗАКОТ БЕРИШ БИЛАН БОЙЛИК КАМАЙМАЙДИ!"

Яратганнинг чексиз баракаси ёғилган, жисмимиз ва қалбларимизни ғуборлардан тозалаган Рамазон кунлари ҳам ниҳоясига етиб қолди. Яна бир неча кундан кейин қутлуғ айём — Ийдул-фитрни қаршилаймиз. Ушбу кунларда мусулмонлар учун хайрли амаллар қилиш, хусусан, фитр, закот ва фидя шартларини адо этиш муҳим вазифалардан саналади. Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари, шайх Абдулазиз МАНСУРдан мазкур амалларнинг ҳукми, умуман, ҳайит арафаси ва айём кунларида қилиниши зарур бўлган савобли ишлар ҳақида сўрадик.

— Шайх ҳазратлари, аввало, Рамазоннинг тарихи ва таърифига тўхталсангиз.

— Кўпчилик Рамазон ойи Пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам даврларида пайдо бўлди деб ўйлайди. Аслида рўза исломдан олдинги умматларга ҳам фарз қилинган. Аллоҳ Қуръони каримда Ер осмонни яратган кунидан бошлаб вақтни ўн икки ойга, ҳафта ва соатларга ажратиб қўйганини баён қилади. Яъни Рамазон Ер осмон яратилганидан бери — азалдан мавжуд. Аммо кейинроқ Ер юзида яшаган турли миллатлар тақвимларни ўзларича алмаштириб туришгани сабабли йўқолган. Ислом дини келгач, мусулмонлар олдинги умматларга фарз қилинганидек рўза тутишга буюрилди.

Рамазоннинг даражаси шу қадар улуғки, бу ойда бизларни ҳидоят ва тўғри йўлга бошловчи Қуръони карим нозил бўлган. Мўмин киши саҳардан то кун ботгунга қадар ўзини ейиш-ичишдан тийиш, турли гуноҳлардан парҳез қилиш билан Аллоҳнинг буйруқларига бўйсуниш, имон ва сабрга ўрганади, нафсини жиловлайди, қалбан ва маънан покланади, улуғ савобу даражаларга эришади.

— Ҳижрий тақвим бўйича Рамазон ўттиз кундан иборат, аммо баъзида ушбу ойнинг йигирма тўққиз кунга тўғри келиши ҳам кузатилади. Буни қандай изоҳлаш мумкин?

— Тўғри, баъзида Рамазон йигирма тўққиз кундан иборат бўлиши ҳам мумкин. Гап шундаки, мусулмон оламида қўлланиладиган ҳижрий тақвим милодий календардан фарқ қилиб, ойнинг ҳолатига қараб юритилади. Пайғамбар алайҳиссалом рўза тутишни ой кўринишига қараб бошлашни буюрганлар. Рамазондан олдинги Шаъбон ойининг охирги куни қуёш ботиши билан янги ой кўриниши керак. Агар янги ой кўринмаса, Шаъбон ойини ўттиз кун деб ҳисоблаб, рўза тутишни эртасидан бошлаш лозим. Шу каби ҳолатларда Рамазон тақвимда белгилангандан бир кун кейин бошланади ва йигирма тўққиз кунни ташкил этади. Пайғамбар алайҳиссаломнинг ўзлари ҳам Мадинада бешолти йил йигирма тўққиз кундан рўза тутганлари ҳақида саҳиҳ ҳадислар бор.

— Рўзани турли сабаблар билан тутолмаганлар нима қилишлари керак? Динимиз қоидаларига кўра, кимлар узрли кишилар деб эътироф этилади?

— Рамазон рўзаси балоғатга етган, жисмонан ва ақлан соғлом кишиларга фарз қилинган. Ушбу ойда сафарга чиққанлар, касалликка чалинганлар, ҳомиладор ва эмизикли боласи бор аёллар узрли саналади. Улар тутолмаган кунлари учун соғайиб кетгач ва сафардан қайтгач, бир кунига бир кун тутадилар. Бу рўзани қазо қилиш — кечиктириб тутиш деб аталади.

Шу ўринда сафар тушунчасини ҳам аниқлаштириб ўтсак. Шариатга кўра, 90-100 км.дан ошиқ масофага сафарга чиққанлар узрли ҳисобланиб, рўзани кейин тутишлари мумкин. Аммо бундан камроқ масофага сафар қилганлар узрлилар тоифасига кирмайди, рўзани ўз вақтида адо этишлари зарур.

Яна бир тоифа борки, уларнинг кечгача таомланмасдан, оч-наҳор юришга тоқат ва мадорлари етмайди. Бу тоифага кексалар, сурункали хасталар киради. Улар фидя берадилар, яъни камбағал, мискинга бир кунлик овқат ёки ўша миқдорда пул эҳсон қиладилар. Бу йил Ўзбекистон мусулмонлари идораси қарори билан бир кунлик фидя миқдори беш минг сўм деб белгиланди.

— Рамазонда фитр садақаси бериш фазилатли амаллардан саналади. Ҳаттоки ҳайит байрами ҳам ана шу амал сабабидан Ийдул-фитр деб аталади. Фитр ҳақида ҳам тушунтириш берсангиз.

— Фитр бадавлат мусулмоннинг Рамазон ҳайитида фақир ва мискинларга берадиган садақасидир. Шариатимизга кўра, фитр садақаси икки кило буғдой баҳосида белгиланади. Бу йил, алҳамдулиллаҳ, серобгарчилик бўлди, деҳқонларимиз мўл-кўл буғдой етиштиришди. Шу тариқа икки кило буғдойнинг нархидан келиб чиқиб, фитр садақаси Тошкент шаҳрида бир киши учун олти юз сўм этиб белгиланди. Вилоятларимизда ҳам маҳаллий бозордаги икки кило буғдой баҳосидан келиб чиқиб фитр берилаверади.

— Фитр садақа бериш кимга лозим бўлади?

— Фитр садақани одатда давлатманд оила бошлиғи ўзи, аёли ва қарамоғидаги вояга етмаган фарзандлари учун беради. Дейлик, бир оилада эр-хотин ҳамда иккита вояга етмаган фарзанд бўлса, оила бошлиғи 2400 сўм фитр ажратади. Вояга етган фарзандлар учун ота тўламайди. Фитр учун кишининг бойлигини ўлчашда асосий эҳтиёжлар йўлида ишлатилаётган молдунё ва буюмлар ҳам инобатга олинади. Шу боис, фитр садақа кишига закотдан кўра кўпроқ лозим бўлади.

— Ҳозиргина ўзингиз эслаб ўтган амал — закот шартлари ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз. Бу амални ҳам Рамазон кунларида адо этиш жуда савобли дейишади. Шундай эмасми?



— Закот динимиз арконларидан бири ва мусулмонларга хос меҳр-мурувватнинг гўзал намунасидир. Закот билан инсон қалбини молдунёга ҳирс қўйиш, хасислик каби иллатлардан тозалайди, фақир ва ожиз кишиларга ёрдам беради. Айни замонда закот воситасида бойлик ато этган Зотга шукрона ҳам қилинади.

Закот бойлиги нисобга яъни белгиланган миқдорга етган мўминга фарз бўлади. Закот нисоби учун саксон тўрт грамм тилла баҳоси қабул қилинган. Тилла баҳоси ўзгариб тургани учун ҳар йили нисоб алоҳида белгиланади. Айни пайтда бир грамм тилланинг ўртача баҳоси қирқ минг сўмни ташкил этмоқда. Ана шу рақам саксон тўртга кўпайтирилса, саксон тўрт грамм, яъни нисоб миқдоридаги тилла баҳоси келиб чиқади. Мазкур ҳисобга асосланиб, бу йил мусулмонлар идораси закот нисобини 3 миллион 360 минг сўм деб эълон қилди. Закот учун ана шу маблағнинг қирқдан бири — саксон тўрт минг сўми ажратилади. Яна бир бор такрор айтамизки, бундай закотни бойлиги нисобига, яъни имконияти мавжуд бўлган кишиларгина бериши мумкин.

ҲАДИС ҲИКМАТИ

"Кимки Рамазоннинг фарз эканлигига ишониб, унга ихлос қилиб ва савобдан умид билан рўза тутса, илгариги қилган гуноҳларининг барчаси кечирилади".

— Мўътабар манбаларимизда закотнинг муҳим шарти уни муносиб одамга етказиш экани ёзилган. Шайх ҳазратлари, закотни кимларга бериш кераклигига ҳам аниқлик киритсангиз.

— Мазҳабимиз кўрсатмаларига кўра, закотни фақирлар, мискинлар, садақа йиғувчилар (закот, хирожларни тўплаб юрадиган кишилар), қарздорлар, Аллоҳ йўлидаги кишилар ва мусофирларга бериш буюрилган.

Уламоларимиз закотни аввало қариндош-уруғлар орасидаги муҳтож кишиларга бериш кераклигини айтишади. Лекин закот шартига кўра, мўмин киши хотини, ота-онаси, ўғил-қизи, невара-чевараси-га закот бериши ёки улардан закот олиши мумкин эмас. Аммо ака-ука, амаки-тоға, амма-хола ва бошқа қариндошларнинг муҳтожларига закот бериш мумкин.

Шунингдек, Аллоҳнинг йўлида юрган толиби илмлар, университет, институтларда шартнома асосида ўқиётган талабаларга, кам таъминланган оилаларга берилса ҳам, айни муддао. Закотни бир кишига тўлаб бериш ёки бир нечта одамга тақсимлаш ҳам мумкин. Ҳадиси шарифда Пайғамбар алайҳиссалом "Банданинг моли садақа билан нуқсонга учрамайди, яъни камайиб қолмайди" деб марҳамат қилганлар. Ана шунга асосланиб айтамизки, ушбу фазилатли кунларда кимки закот, фитр садақа каби хайрли амалларни қилса, уларнинг бойликлари асло камаймайди. Билъакс, саховатлари сабабидан Аллоҳ таоло давлатларига барака ато этади.

— Рамазоннинг энг улуғ вақти шубҳасиз Қадр кечасидир. Бу йил муборак кеча қайси кунга тўғри келди?

— Пайғамбар алайҳиссалом Қадр кечасини таърифлаб, унинг фазилати минг ойдан яхшироқ эканини айтганлар. Минг ой саксон уч йил демакдир. Демак, кимки бу кечани ибодат ва дуолар билан ўтказса, амал дафтарига саксон уч йиллик савоб ёзилади. Қадр кечаси Рамазоннинг 26-куни қуёш ботганидан то келгуси куни бомдодигача давом этади. Демак, бу йил 16 сентябрь шомдан кейин, иншааллоҳ, Қадр кирган бўлади.

— Юртимизда ҳайит кунларини фотиҳахонлик ва аза маросимига айлантириш ҳолати кўп учрайди. Бу борада юртдошларимизга нималарни тавсияга этган бўлардингиз?

— Тарки одат — амри маҳол. Чиндан ҳам уламоларимиз кўп вақтдан бери тушунтириб келаётган бўлсалар-да, ҳайит кунларини мотам маросимига айлантириш ҳоллари, афсуски, давом этмоқда.

Аслида, бу энг улуғ байрамдир. Байрам эса байрамдек ўтиши керак. Ҳайитда махсус фотиҳа маросимлари қилиш бидъат амалдир. Қолаверса, яқинлари вафот этган мусибат эгаларининг учта ҳайит давомида мотам тутишлари ҳам шариатимизда бўлмаган иш. Динимизда аза уч кун деб белгиланган.

Албатта, ҳайит куни бошига мусибат тушган одамлардан кўнгил сўраш тақиқланмайди. Кимнингдир яқини вафоти этган бўлса, майли, фотиҳа, дуойи фотиҳа учун келган қариндош, қадрдонларни уйида қабул қилсин. Аммо кўчаларга стол-стулларни териб ўтириш, уйлари дарвозаларини очиб қўйиш одамларга чақиримдек тушунилади. Ўтган-кетган ҳам фотиҳа бўлаётган хонадонни босиб ўтиб кета олмай киришга мажбур бўлади.

Ҳайит куни қариндош-уруғ, дўст-биродарлар бир-бирларини йўқлашлари, қутлашлари керак, устозлар, ёши улуғ кишилар, бемор ва саховатга муҳтож кишиларни зиёрат қилиш савобли ишлардан.

— Айём кунларида аёлларнинг қабристонларга боришлари ҳам одатга кирган...

— Хотин-қизларнинг қабристонга боришлари ман этилмайди. Лекин бунинг асосий шарти зиёрат одобига риоя этишдир. У ерга борганда қабрлар устидан юриш, шам ёқиш, латта илиш, қабр устига ётиб олиб йиғлаш каби ношаърий ишлардан сақланиш, иффату ҳаё билан ўзини тутиш зарур.

— Эшитишимизга қараганда, бу йил Рамазон ойида амалга ошириладиган Умра сафари вақтинча тўхтатилибди...

— Хабарингиз бор, айни пайтда дунёнинг турли давлатларида чўчқа гриппи деб аталган касаллик тарқалган. Жумладан, Саудия Арабистонида ҳам ана шу хасталикдан бир неча одам вафот этган. Касалликнинг тарқалишига қарши чораларни кучайтириш мақсадида Саудия ҳукумати бу йил Ҳаж ва Умра зиёратини вақтинча чеклади. Юртимизда, алҳамдулиллаҳ, бу касаллик кузатилмади. Бизда ҳам эҳтиёт чораси сифатида кузги Умра зиёрати тўхтатилди. Аммо бу вақтинча чора. Яна бир неча ойдан кейин юртдошларимизга Ҳаж зиёратлари учун ижозат берилади.

— Шайх ҳазратлари, ҳар йили ҳайит ва рўза кунларини белгилашда турли давлатларда ўзаро фарқлар бўлиб туради. Бунинг сабаби нимада?

— Бу табиий ҳолат. Рўзанинг бошланиши, суҳбатимиз аввалида айтганимиздек, ойнинг кўринишига кўра белгиланади. Бу эса турли минтақадаги давлатларда фарқ қилиши мумкин. Бу ҳолат иқлим ва ой кўринишига кўра изоҳланади.

Абдул БОСИТ суҳбатлашди.

МАЪЛУМОТ

- ***Мамлакатимизда Қурбон ва Рамазон ҳайитлари 1992 йилдан буён дам олиш куни сифатида байрам қилинади.***
- ***Рамазон ҳайити ҳижрий 2, милодий 624 йилдан бошлаб мусулмон оламида байрам қилинади.***
- ***Ҳайит арабча "ийд" сўзидан олинган бўлиб, "такрорланиб турувчи байрам" маъносини беради. Қурбон ҳайити (Ийд ал-адҳо) ҳижрий Зулҳижжа ойининг 10-кунига, Рамазон ҳайити (Ийд ал-фитр) эса Шаввол ойининг 1-кунига тўғри келади.***
- ***"Закот" сўзи "покланиш", "ортиш", "ривожланиш" каби маъноларни ифодалайди.***
- ***Закот қуйидаги бойликлар учун берилади: қўй, сигир, от ва туяга ўхшаш чорва ҳайвонлари, олтин ва кумуш, тижорат моллари, деҳқончилик маҳсулотлари ва мевалар, маъдан ва ер ости бойликлари.***

ҚИЛМИШ

Яширин цех фош этилди

Нутфулло "арақчи"ни "Боғишамол" қишлоқ фуқаролар йиғини аҳолиси жуда яхши танийди. Чунки у шу пайтгача одамларга истаган "тур"даги ароқ маҳсулотларини (аслида этикеткаси ҳар хил холос) сотиб келаётган, ўзининг бу ноқонуний фаолияти боис "арақчи" деган ном орттириб, анчагина танилиб улгурганди. Аммо қонунга чап бериб бўлмайди. Қонун ҳимоячилари томонидан қўлга олинган Нутфулло Темировнинг юзи бугун шувут. Ароқ ишлаб чиқаришга мослаштирилган ва у бош бўлган яширин цехда металл ҳамда полиэтилен идишларга солинган 172,9 литр спирт, "Спец. заказ", "Аладдин", "Сибирский мороз", "Караван" хуллас, жами 2 миллион 782 минг сўмлик турли этикеткали тайёр ароқлар далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Энди Н.Темиров темир панжара ортида озодликнинг қадри ва қишлоқдошлари соғлиғини хавф остига қўйишнинг қандай кўнгилсизликларга олиб келишини яхшигина тушуниб олса, ажаб эмас.

Ж.РАЖАБОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаментининг Бухоро вилоят Шофиркон туман бўлими бошлиғи.

"Тадбиркор"нинг ҳийласи

Улгуржи савдо билан шуғулланиб келаётган Фахриддин Идиев 2007 йил 29 мартда Пешку туман ҳокимлигидан қурилиш моллари ишлаб чиқариш ва сотиш фаолиятини расмийлаштириш учун рўйхатдан ўтади ва Когон туманининг "Амиробод" аҳоли пунктидаги 6-саноат базасида гипс ва ганч ишлаб чиқариш цехини қуради.

"Ишбилармон" мўмай даромад илинжида 2007-2008 йилларда лицензияси бўлмаса-да, "Бухорогипс" қўшма корхонасига 148 миллион 252 минг сўмлик автохизматларни амалга оширади. Бу ҳам камлик қилгандек, тўланиши лозим бўлган 7 миллион 831 минг 200 сўм сўмлик солиқ ва мажбурий тўловларни тўлашни хаёлига ҳам келтирмайди. Қурилиш гипси савдосидан тушган 107 миллион 648 минг 200 сўм маблағ ҳам на назорат-касса машинасидан ўтказилади, на банкка топширилади.

Савдо қоидаларини бузган "тадбиркор" ўтган йилнинг йил 21 октябрь куни "Бухорогипс" қўшма корхонасидан 30 тонна қурилиш ашёсини сотиш мақсадида олиб чиққан эди. Бироқ, у манзилга етиб бормади.

Қонунга чап бериб, фойда кўрмоқчи бўлган Ф.Идиев суд ҳукмига биноан икки йил муддатга мансаб лавозимларида ишлаш ва моддий жавобгар шахс бўлиш ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Шунингдек, унга уч йил муддатга ахлоқ тузатиш жазоси ҳам тайинланиб, ҳар ойлик маошининг 30 фоизи давлат фойдасига ундириладиган бўлди. Бундан ташқари, у давлатга етказган иқтисодий зарарни қоплаш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 300 баравари миқдорида — 7 миллион 512 минг сўм жарима ҳам тўлади.

Акобир АҲМЕДОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаментининг Когон шаҳар бўлими бошлиғи.

Даромад ҳалол бўлсин

Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаментининг Шеробод туман бўлимига келган тезкор маълумотларга асосан "Шеробод" масъулияти чекланган жамиятининг раҳбарлари томонидан бу ерда 2007-2008 йилларда 260 нафар ишчи-ходимлар меҳнат шартномаси асосида фаолият юритган бўлса-да, жамоа раҳбарияти томонидан ДСИга топширган ҳисоботларида ишчилар сонини 250 тага кам кўрсатиб, шунча одамга белгиланган энг кам ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда жами 31 млн. 347 минг сўмлик маош ҳисобланмаган. Табиийки, иш ҳақидан бюджетга тўланиши лозим бўлган 8 млн. 307 минг сўмлик солиқ ва мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлашган.

Шунингдек, "Лола Карим Бобо" агрофирмасининг 2005-2008 йиллар якуни бўйича туман ДСИга топширган ҳисоботлари ўрганилганда, агрофирма раҳбари томонидан 81,2 гектар ер майдони, 50 млн. сўмлик асосий восита ва мол-мулклари бўлса-да, ДСИга ер ва мол-мулк солиғи бўйича ҳисоботлар топширилмаган. Шу боис, давлат бюджетига 7 млн. 785 минг сўм ер солиғи атайин тўланмаган.

"Алпомиш-20" МЧЖнинг фаолияти таҳлил қилинганда эса ўтган йил якуни бўйича маҳсулотларни сотишдан тушган даромад 216 млн. 135 минг сўмни ташкил қилса-да, жамият томонидан ДСИга топширилган ҳисоботда маҳсулотларни сотишдан тушган даромадни 95 млн. 886 минг сўм миқдорида кўрсатилиб, 120 млн. 249 минг сўмлик маҳсулотларни сотишдан тушган даромад яширилган. Натижада жами 5 млн. 379 минг сўм солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлангани маълум бўлди.

Мазкур ҳолатлар бўйича департаментнинг Шеробод туман бўлими томонидан ушбу корхоналарнинг мансабдор шахсларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилди. Энди юқорида қайд этилган корхоналарнинг мансабдор шахслари қонунга чап беришга уриниш яхшиликка олиб келмаслигини англаб етсалар керак.

Илҳом МАМАТМУРОДОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаментининг Шеробод туман бўлими бошлиғи.

АВВАЛИ

ҒАРИБА БИР ҲОДИСА

Самарқанднинг Чаҳоршанба қишлоғида бир киши минг тангага дарахт сотиб, пулини уйига олиб келур. Мазкурнинг қайниси пули матлабдан хабардор бўлиб, они орқасиға тушар. Пул эгаси ўз хотуни ила машварат қилиб, пулни жойхоб остида қўяр. Пойлаб юрган қайни кечаси келиб пулни оламан деса, кўкарким, эр бирла хотун анда ётибдурлар. Ўғри бола бешикини боласи ила чиқариб ташқарида қўяр. Бола йиғлаб додламоқға бошлар. Ётқон эру хотун боланинг товишини эшитиб, ҳаросан ташқариға боланинг тарафиға югурарлар. Шул вақтда ўғри уйға кириб, жойни остидан пулни олиб чиқаман деганда, зилзила бўлуб уй йиқилур. Эру хотун бул ишни мўъжиза деб қўшниларига хабар бералар. Эртаси уйнинг ичиндаги туфроқ ва кесакларини кўтариб олсалар, ўғрини кўрарларким, қўлидаги пул бирла уй остиға қолиб ўлубдур.

Ализода
"Ойина" журнали,
1914 йил, 21-сон, 296-бет.

Изоҳлар: **Пули матлаб** — олиш мўлжалланган, пайига тушилган пул маъносида. **Машварат** — кенгаш, маслаҳат. **Жойхоб** — тўшак, ухлайдиган жой. **Ҳаросан** — қўрқиб, ваҳимага тушиб. **Ализода** — Саид Ризо Ализода (1887-1945) — самарқандлик журналист, ёзувчи, олим; Сталин қатағони қурбони. **"Ойина"** — Самарқандда 1913 йил 20 августдан 1915 йил 15 июнгача Маҳмудхўжа Беҳбудий муҳаррирлигида жами 68 сони чиққан журнал.

Нашрга тайёрловчи:
Бойбўта ДЎСТҚОРАЕВ.

ДУНЁДА НИМА ГАП?

ТАЪЛИМ

ЁШЛАР ТАЛПИНАДИГАН МАСКАН

Андижон — Наманган автотрассасининг шундоққина Баликчи шаҳарчасига бурилишида савлат тўкиб турган муҳташам бино киши эътиборини беихтиёр тортади. Унинг олдидаги майдон ва ён-атрофларида гул-у, гулзорлар, боғ-у, роғлар яшнаб, жозиба бахш этиб турибди.

Бу гўзал маскан — Баликчи индустриал-педагогика касб-ҳунар коллежи. Мазкур туманнинг бир ярим минг нафарга яқин навқирон фарзандлари ушбу даргоҳнинг билим чашмаларидан баҳра олишмоқда. Биз юрт фарзандлари турли йўналишларда касб-ҳунар эгаллаб, мустақил ҳаётга йўлланма олаётган ушбу билим масканининг директори К.ЭРКАЕВ билан суҳбатлашдик.

—Камолиддин Умматалиевич, сиз раҳбарлик қилаётган касб-ҳунар коллежининг ҳудудда ўзига хос нуфузи бор. Бугунги кунда ёшларга пухта билим ва касб-ҳунар ўргатиш учун асосан нималарга эътибор қаратилмоқда?

— Айни пайтда бизда таълим олаётган талабалар юртимизда эҳтиёж юқори бўлган мутахассисликлар ва кўп қиррали касб-ҳунар эгаси бўлишади. Шу боис ҳам бизда "ишга жойлаштириш" деган муаммонинг ўзи йўқ. Масалан, жорий йилда коллежимизни 456 нафар ўқувчи битирган бўлса, ҳозиргача уларнинг деярли барчаси ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда бюджет ташкилотлари билан олдиндан тузилган шартномалар асосида ишга ўрнашишди. Албатта, олий ўқув юртларига қабул қилинган, ҳарбий хизматга чақирилган ёхуд бошқа узрли сабаблар билан ишга жалб этилмаганлар бундан мустасно.

Ўқув юртимизда касб-ҳунар, таълим оддий усулларда эмас, мустаҳкам моддий-техник база асосида яратилган, энг зарур техник жиҳозлар билан таъминланган ўқув-ишлаб чиқариш цехларида, лаборатория ва бошқа амалиётлар аудиторияларида олиб борилади. Талабаларимизга эса кўп йиллик тажрибага эга бўлган юқори малакали педагог-мураббийлар таълим беришади.

— Ўқув юртида қандай йўналишлар бор?

— 12 та йўналиш мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири ўқувчига алоҳида масъулият юклайди. Компьютерларнинг дастурий таъминоти, олайлик. Бу соҳалар бўйича ҳам таълим-тарбия ишлари қизиқарли дастурлар бўйича амалга оширилади. Шунинг учун ҳам уни эгаллаётган ёш кадрларга эҳтиёж катта.

— Коллеж давлатимиз ҳамда Германия ўртасидаги "Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасидаги ўрта махсус касб-ҳунар таълимини ривожлантиришга кўмаклашиш" лойиҳасига киритилган экан...



— Ҳа, биз ана шу лойиҳа доирасида ўтган ўқув йилидан бошлаб "Қурилиш-пардозлаш ишлари", "Дурадгорлик ва пол ётқизиш ишлари", "Газ-сув таъминоти ва канализация тизимларини монтаж қилиш ҳамда таъмирлаш" йўналишлари бўйича 1-босқичга ўқувчилар қабул қила бошлаганмиз. Жорий йилнинг март ойида лойиҳанинг Ўзбекистондаги менежери ва Германия вакиллари иштирокида ўқув юртимизда таълим олаётган йигит-қизларнинг билим ва кўникмалари синовдан ўтказилиб, уларга зарур кўрсатмалар берилди. Натижада талабаларимизда касб-ҳунар эгаллашга бўлган иштиёқ янада ортди.

— Талабаларнинг пухта билим, ҳунар эгаллашлари билан бирга, уларнинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан ҳам чиниқишлари учун қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Биз ёшларимизнинг жисмонан ва маънавий-руҳиявий жиҳатдан соғлом бўлиши учун уларнинг ижтимоий фаоллигини таъминлаб боришга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Бутун ўқув йили давомида ишлаб чиқилган дастурлар асосида турли маънавий-маърифий ва тарбиявий тадбирлар изчил ўтказиб борилади. Спорт беллашувлари, янги технологияларни бошқариш бўйича маҳорат синови, умумтаълим фанлари бўйича олимпиадалар, талабаларнинг бевосита ўз қўллари билан яратган маҳсулотлари кўргазмалари шулар сирасига киради.

Коллежнинг ахборот-ресурс маркази 100 мингга яқин китоб фондига эга. Бундан ташқари 30 турдаги газета-журналларга обуна бўлганмиз. Бу эса талабаларимизнинг жамиятимиздаги янгиликлар билан мунтазам танишиб боришларига шароит яратади.

— Жамоа олдида турган бугунги асосий вазифалар нимадан иборат?

— Юртимиз учун малакали мутахассислар тайёрлашга муносиб ҳисса қўшишни асосий мақсадимиз деб биламиз.

Солиҳ ҚАҲҲОРОВ суҳбатлашди. ®

ДАРАКЛАР

Келиша олишмади



Люблянада Словения бош вазири Борут Пахор ва Хорватия бош вазири Ядранка Косорлар учрашишди. Икки ҳукумат раҳбарлари бир қанча масалаларда якдил эканликларини билдиришган бўлсада, чегара масаласида келиша олишмади. Гап шундаки, собиқ Югославия тарқалиб кетгандан сўнг икки давлат ўртасидаги чегара масаласида қарама-қаршилик келиб чиқди. Словения Адриатика денгизидаги Пиран кўрфазига даъвогарлик қилмоқда. Шу йўл билан у Ўрта Ер денгизига чиқмоқчи. Аммо Хорватия бу кўрфазни Словенияга бермоқчи эмас.

Хорватия жорий йилда Европа Иттифоқига киришни режалаштирган. Аммо чегара масаласида бир қарорга кела олмаса, Словения ушбу масалага қарши овоз бермоқчи. Хорватия раҳбарияти ЕИга мурожаат қилиб, ушбу ишни халқаро арбитраж суди кўриб чиқишини сўради. Лекин ҳозирча бу иш амалга ошгани йўқ.

ЖССТ ташвиши

ВСЕМИРНАЯ ОРГАНИЗАЦИЯ ЗДРАВООХРАНЕНИЯ

Сўнгги 50 йилда одамлар ўртасида ўзини ўзи ўлдириш ҳолатлари бир ярим баравар кўпайди. Ҳар йили салкам 900 минг нафар киши ўз хоҳиши ила ҳаёт билан видолашмоқда. Бу ҳақда куни кеча эълон қилинган Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг ҳисоботида айтилган. Ҳисоботда, шунингдек, ўзини ўзи ўлдиришга ҳаракат қилаётганлар сони салкам 18 миллион кишини ташкил этиши ҳам таъкидланган.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертлари хулосаларига эътибор берадиган бўлсак, вазият Россия ва Европада анча мураккаб экани маълум бўлади. Кўҳна қитъа 15-35 ёшлилар ўртасида ўзини ўзи ўлдириш бўйича дунёда иккинчи ўринни эгаллаб турибди. Россия эса ўз жонига қасд қилувчилар сони энг кўп мамлакат сифатида эътироф этилган. Шунинг учун ЖССТ жамоатчиликни ушбу ҳолатга жиддий эътибор беришга чақирди.

Тишини олдириб чарчади

Италиялик тиббиётчилар Сицилияда яшовчи 16 ёшли қизалоқнинг олтита ортиқча тишини суғуриб ташлашди. Гап шундаки, ўсмир дисплазия — кераксиз тишлар ўсиши касаллигига чалинган. Доктор Мауро Мерлининг таъкидлашича, врачлар шу пайтга қадар бирор марта ҳам бундай ҳолатга дуч келишмаган.

Бемор 2001 йилдан буён касалхонага қатнайди. Шу йиллар давомида унинг 28 та тиши олиб ташланди. Қизалоқнинг барча ортиқча тишлари сони 33 тани ташкил этади. Яна бир неча ойдан сўнг ўтказиладиган сўнгги операцияда қолган бешта тиш ҳам суғурилади. Шундан сўнг қизалоқнинг тишлари сони бошқаларники билан тенг бўлади.

Порахўрликда айбланди


Тайван маъмуриятининг собиқ бошлиғи Чэнь Шуйбянь ва унинг турмуш ўртоғи У Шучжэнь куни кеча суд ҳукми билан бир умрлик қамоқ жазосига ҳукм этилди. Улар порахўрликда ва миллионлаб долларни ўзлаштирганликда айбланмоқда. 58 ёшли Шуйбянь маъмурият бошлиғи бўлган 2000-2008 йилларда молиявий фирибгарлик қилгани олдиндан маълум бўлса-да, у лавозимда тургани учун ҳеч ким жавобгарликка торта олмаган эди. Ишдан кетгач эса, яъни ўтган йилнинг ноябрь ойида бирдан қамоққа олинди.



Прокурорнинг таъкидлашича, собиқ маъмурият бошлиғи 24 миллион долларни ўзлаштирган. Унинг турмуш ўртоғи эса бир ишбилармондан ер сотиб олишга ҳужжат тўғрилаб бергани учун 2,2 миллион доллар пора олган. Ушбу иш бўйича жами 12 юқори лавозимли амалдор жавобгарликка тортилди.

Ўн бир йилдан сўнг

Испания полицияси 11 йилдан буён Интерпол томонидан қидирилаётган жиноятчини Канар оролларида қўлга олди. У 33 ёшли Украина фуқароси Олег Еремеев бўлиб, Крим бош вазири ўринбосари Александр Сафонцевни ўлдиришда айбланиб, қидирилаётган эди.



Крим бош вазири ўринбосари 1998 йилнинг 5 февраль куни "Таврия" дам олиш уйида бомба портлаши натижасида ҳалок бўлган. Ушбу бомбани Еремеев аъзо бўлган Керч жиноий гуруҳи қўйгани аниқланган. Шу пайтга қадар гуруҳнинг бир қанча аъзолари қўлга тушиб қамалган, айримлари эса қидирувда эди.

Яқин кунларда Испания миллий суди О.Еремеевни экстрадиция қилиш масаласини кўриб чиқади. У айбдор деб топилса, Еремеевни 15 йиллик қамоқ жазоси кутмоқда.

Ҳарбийлар ёд этилди

Буюк Британия қироличаси Елизавета II кеча Ироқ ва Афғонистонда ҳалок бўлган аскарларнинг оила аъзоларига Елизавета хочи деб номланган эсдалик медалларни топширди. ИТАР-ТАСС хабарига қараганда, тадбир мамлакатнинг Норт-Йоркшир графлигидаги Кэттерик Гаррисон ҳарбий базасида бўлиб ўтган.

Қиролича Ироқда ҳалок



бўлган капраллар Бен Лининг ва Стивен Оллбатт, сержант Уэйн Риз ҳамда оддий аскарлар Кристен Тэртон, Дэвид Кларк, Афғонистонда ҳалок бўлган аскар Роберт Пирсоннинг номи ҳеч қачон унутилмаслигини айтиб ўтди.

Ботинканинг баҳоси

Кеча АҚШнинг собиқ президенти Жорж Бушга ботинка отган ироқлик журналист Мунтазир аз-Зейди муддатидан олдин озодликка чиқди.

USA Today газетасининг ёзишича, энди уни жуда кўп совға-саломлар, жумладан Боғдод марказида икки қаватли вилла ва фаластинлик бой келин кутиб турибди. Виллани Мисрда фаолият кўрсатаётган Al-Baghdadiya телеканали раҳбари совға қилмоқчи. Телеканал, шунингдек, Зейди қамоқда бўлган пайтда ҳам унга мунтазам маош тўлаб турди.

Журналистга фаластинлик 75 ёшли шайх Аҳмад Жоуда гўзал ва бой рафиқа совға қилмоқчи. Албатта, қизни Зейдининг ўзи танлайди, шайх эса унга совға-салом беради. Катар шаҳзодаси эса ўша Бушга отилган ботинка учун 10 миллион доллар бермоқчи эканини айтган. Лекин бу ботинка суддан сўнг йўқ қилинган.

Ҳозир Ироқда Зейди АҚШга қарши қаршилик ҳаракатининг рамзига айланган. Эслатиб ўтамиз, Зейди Бушга ботинкасини отгани учун уч йилга озодликдан маҳрум этилган эди. Кейинроқ эса бу муддат қисқартирилди.

БУНЁДКОРЛИК

СУРХОННИНГ ҚЎЛИ ГУЛ ҚУРУВЧИЛАРИ

Фарҳод Сатторов асли бойсунлик. "Чорчинор" маҳалласида туғилиб вояга етган. Касби ҳуқуқшунос. Эндигина ўттиз баҳорни қаршилаган навқирон йигит бўлсада, кўпга бошчилик қилмоқда. "Моҳинур" хусусий фирмаси раҳбари. Корхонаси қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга оширади. Ибратли томони шундаки, ўн икки нафар кишидан иборат аҳил жамоа бир неча йиллардан буён фақат мактаблар қурилиши билан банд.

— Бундан фахрлироқ ҳамда шарафлироқ иш йўқ, — дейди Фарҳод Сатторов. — Ахир, мактаб — илм ўчоғи, зиё маскани. Унда ўғил-қизларимиз билим олади, келажаги буюк давлатга муносиб кишилар бўлиб тарбияланади. Ва яна, биз туман марказидан олтмиш, юз чақирим узоқда бўлган ҳудудларда таълим ўчоқларини барпо этаяпмиз. Бу билан аҳоли манзилларининг чиройига кўркамлик бахш этмоқдамиз.

Фарҳод Сатторов саркор бўлган қўли гул қурувчилар бунёд этган биноларнинг бири Дугоба қишлоғида. Бу ерда икки минг беш юздан ортиқ аҳоли тоғ шароитида умргузаронлик қилади. Улар лалмикор майдонларда беда уруғи етиштиришади. Боғдорчилик ҳам дугобаликларнинг касб-корига айланган. Бу ерда етиштирилган олма, ўрик, олхўри, нашвати сингари турли-туман меваларнинг мазаси ҳафта-ўн кун оғиздан кетмайди, десак муболаға бўлмайди.

Туман халқ таълими бўлимига қарашли 17-умумтаълим мактаби шу кўркам қишлоқда жойлашган. Унда 350 нафар ўғил-қиз таълим-тарбия олмоқда.

Кенгдала — тоғ қишлоғи. У ерда Бойсун ўрмон хўжалигининг участкаси жойлашган. Қишлоқнинг табиати фусункор, сўлим. Ҳайвонот ва набобот дунёси ниҳоят бой. Ўрмонзорларни кенгайтириш, табиий бойликларни кўпайтириш қишлоқ аҳлининг кундалик машғулоти ҳисобланади. Уларнинг бу борада амалга ошираётган ишлари, қўлга киритган ютуқлари эса анчагина. Аммо қишлоқдаги мактаб биноси кўримсиз, хароб эканидан бу ерликлар ташвиш тортарди. Шу сабаб оқсоқоллар аҳоли номидан юқори идораларга мурожаат қилди. Уларнинг ҳақли талаблари инобатга олинди.

Ўтган йили билим маскани биноси капитал реконструкция режасига киритилди. Бу юмуш Фарҳод Сатторов бошлиқ "Моҳинур" фирмаси бунёдкорлари зиммасига тушди. Мактаб саксон нафар ўқувчи ўрнига мўлжалланган. Лойиҳа қиймати бир юз олтмиш миллион сўм қилиб белгиланган. Улар таъмирлаш ишларини намунали олиб бордилар. Қисқа муддатда Кенгдалада шинам бир кошона барпо этилди. Бундан кўнгли кўтарилган тоғли халқ қурувчиларга беҳад миннатдорчилик изҳор этдилар.

Фарҳод Сатторовнинг қурувчилари бу йил "Қўрғонча" қишлоқ йиғинига қарашли Олачопон қишлоғида меҳнат қилишди. Бу ер ўрмончилар маскани ҳисобланади. 100 дан зиёд аҳоли яшайдиган бу ҳудудда 50-умумтаълим мактаби фаолият кўрсатади. Лекин унинг биноси эски, синф хоналари пастқам, замон талабига мутлақо жавоб бермай қолган эди. Шу боис мактабни капитал реконструкция қилишга 249 миллион сўм маблағ ажратилди. Бинокорлар белни маҳкам боғлаб ишга киришишди. Мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланишди. Натижада лойиҳада белгиланган вазифалар муваффақиятли адо этилди. Олачопонлик ўғил-қизлар янги ўқув йилини янги бинода бошлашди.

Янги мактаблар қуриш ва мавжудларини таъмирлаш масаласи Бандихон туманида ҳам яхши йўлга қўйилган. Бу ерда жорий йилда иккита таълим маскани барпо этилди. Ишлаб турган мактаблардан тўрттаси қайта реконструкция қилинди. Биз туманнинг "Бўстон" маҳалласидамиз. Аҳолиси гавжум жойлашган ошиённиг қоқ марказида кўркам кошона қад кўтарган. Бу 27- умумтаълим мактабининг янги биносидир. Иморат шу кун талаблари асосида бунёд этилган. Кўриниши, шакл-шамойили тезда эътиборни тортади. Кенг ва ёруғ хоналар, шинам фан кабинетлари, ундаги нафис жиҳозлар киши руҳига бардамлик бахш этади.

Бинони мактаблар қуришда катта тажриба тўплаган Музаффар Муҳаммадиев бошлиқ "Шоҳиста" хусусий фирмаси қурувчилари тиклашди. Улар лойиҳа бўйича белгиланган 900 миллион сўм маблағни тўла ўзлаштирди. Бахтиёр Ҳамроев, Фарҳод Муҳаммадиев, Илҳом Муқимов, Илҳом Шукуров, Қаюм Мирсангинов, Тоҳир Неъматуллаев, Алишер Мажидов сингари ғишт терувчи, сувоқчи, пардозловчи ва бўёқчилар меҳнати чиндан ҳам мақташга арзирли бўлди. Бинокорлар мактаб атрофини, ҳовлисини ободонлаштириш ишларини ҳам кўнгилдагидек адо этдилар.

Шеробод сув қурилиши трестига қарашли 3-механизациялашган кўчма жамланма ҳам Бандихон туманида фаолият кўрсатади. Корхонага Убайдулло Раҳмонқулов бошчилик қилмоқда. Унинг раҳбарлигидаги жамоа азаматлари туманда ўндан ортиқ таълим даргоҳларини, касб-ҳунар коллежи, маданий-маиший биноларни бунёд этган. Қишлоқларнинг инфратузилмасини ривожлантириб, обод ва кўркам манзилларга айлантиришга муносиб ҳисса қўшган.

Улар бу йил ҳар қачонгидан кўпроқ меҳнат қилди. Тумандаги агросаноат касб-ҳунар коллежи ётоқхонага эга эмас эди. Шунинг учун ўқувчилар узоқ қишлоқлардан қатнаб ўқишга мажбур бўлишарди. Шу боис коллеж ҳузурида 50 ўринли ётоқхона қуриш лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унинг қиймати 291 миллион 880 минг сўмни ташкил этди. Кўчма жамланманинг қўли гул усталари ғайрат билан меҳнат қилиб, ётоқхонани муддатидан бир ярим ой олдин фойдаланишга топширишди. Бундан ташқари, улар тумандаги ички йўллардан 10 километрини сифатли таъмирлади. Айни пайтда 14-умумтаълим мактабини тубдан таъмирламоқда. Бу ишга 242 миллион сўм маблағ ажратилган. Илм масканини замонавий тарзда қайта таъмирлаш ишига 41 нафар бинокор жалб этилган. Жума Қурбоналиев ҳамда Бозор Тошпўлатов раҳбарлигида Халил Қорақулов, Қаҳрамон Ражабов, Улуғбек Эргашев, Мамади Норқулов каби иморатсозларнинг меҳнати бошқаларга ибрат бўлаётир.

Ҳа, қўли гул бинокорлар ҳур диёримизнинг тобора гуллаб-яшнаши йўлида астойдил ҳаракат қилаяпти. Зеро, бинокор эъзозланса, обод бинолар бўй кўрсатаверади.

Омон ШУКУРОВ ®

ТАФСИЛОТ

Терроризм балоси



Яқинда Буюк Британиядаги йирик газеталардан бири Guardian "Ал-Қоида" террорчилик ташкилоти бугунги кунда ўз бошидан катта инқирозни кечираётгани ҳақидаги хабарни тарқатди. ИТАР-ТАСС мухбирининг таъкидлашича, мақола Ғарб мамлакатлари разведкаси маълумотларига таянган ҳолда ёзилган. Унда айтилишича, ҳозирда "Ал-Қоида"нинг фаол аъзолари сони 200 нафарни ташкил этади, холос. Шунинг учун улар сўнгги пайтларда йирик террорчиликларни амалга ошира олмаяпти. Бундан ташқари, ташкилотга янги аъзоларни қабул қилиш ишлари ҳам издан чиққан. Гуруҳнинг биринчи рақамли йўлбошчиси Усама бен Лодин эса Покистоннинг шимоли-ғарбидаги тоғларга яширинган. "Бу унинг сўнгги қўнимгоҳи, — деб ёзади газета. — Агар шу ҳудуд ҳам коалицион кучлар назоратига олинса, террорчилар йўлбошчиларининг бошқа қочадиган жойи қолмайди".

Guardian мухбирининг фикрича, Ғарб терроризмга қарши самарали курашиш йўлини топди. Террорчилар жойлашган ҳудудлар учувчисиз учадиган аппаратларда бомбардимон қилинмоқда. Бу ҳаракатлар туфайли "Ал-Қоида" аъзолари ўртасида бошбошдоқлик вужудга келди. Улар бир-бирини сотқинликда айбламоқдалар. Илгари гуруҳнинг ўнлаб йўлбошчиси бор эди, бугун улар сони тўрт-бештани ташкил этмоқда. Уларнинг энг ашаддийлари Бен Лодин ва Айман аз-Завахириларнинг ҳам аҳволи оғир. Тез-тез жойини алмаштириб, яшириниб юришга мажбур бўлмоқда. Натижада вазиятни назорат қила олмаяпти.

Албатта, газетадаги мақола битта террорчилик ташкилоти ҳақида ёзилган. Аммо бу террор чекинаяпти, дегани эмас. Жаҳон оммавий ахборот воситаларини кузатсангиз, ҳар куни дунёда террорчилар томонидан кўплаб хунрезликлар амалга оширилаётгани, бунинг натижасида бегуноҳ одамлар ҳалок бўлаётгани ҳақидаги хабарларга дуч келасиз. Масалан, Кавказ бугун дунёнинг энг нотинч нуқталаридан бирига айланиб қолди. Гоҳ Доғистонда, гоҳ Ингушетияда, гоҳ Чеченистонда, гоҳ Жанубий Осетияда портлашлар, қотилликлар, милиция постларига ҳужумлар уюштирилмоқда.

Ироқдаги вазият ҳали-ҳамон изга тушадиганга ўхшамайди. Гарчи ҳудудлар назорати Ироқ армияси ва маҳаллий полиция қўлига ўтган бўлса-да, террорчилар тинчишмаяпти.

Яқинда Буюк Британия суди террорчилик билан боғлиқ мудҳиш бир ишни кўриб чиқди. Суднинг қора курсисига ўтирган кишилар террорчилик уюштиришга тайёргарлик кўрганликда айбдор, деб топилди. Текширувлар натижасида улар ҳудди Нью-Йоркдаги фожиани қайтаришни, яъни йўловчи самолётларни қўлга олиб, йирик биноларга уришни режалаштиришган. Яхшиям, ушбу фожианинг олди олинди. Бўлмаса, минглаб бегуноҳ инсонлар террор қурбонига айланиши мумкин эди.

Афғонистонга коалицион кучлар кирганига салкам ўн йил бўлиб қолди. Лекин энг замонавий қуролларга эга бўлган НАТО қўшинлари ҳам мамлакатдаги "Толибон" террорчилик гуруҳини бартараф эта олмаяпти. Яқинда ёнилғи солинган цистерна билан боғлиқ воқеани хабар қилган эдик. Ўшанда толиблар билан бирга кўплаб тинч аҳоли вакиллари ҳам ҳалок бўлди. Бу эса маҳаллий аҳолида коалицион кучларга нисбатан ишончсизлик уйғотмоқда. Аслида бу террорчиларга қарши амалиётлар чоғида тинч аҳоли азият чеккан биринчи воқеа эмас. Аҳоли ўртасида НАТО кучларига ишонч камайиб бормоқда. Буларнинг бари уларни террорчилар билан яқинлашишига олиб келаяпти.

Албатта, дунёнинг бошқа нуқталарида ҳам ҳали террорчилар камайгани йўқ. Яқин Шарқда, Испанияда, Покистон, Ҳиндистонда содир этилаётган хунрезликлар ҳали улар тақдирга тан бермаганини кўрсатиб турибди. Балки Guardian ёзганидек, "Ал-Қоида"да бошбошдоқлик бўлгандир, лекин бу террор чекинаяпти, дегани эмас. Бундан ташқари, кўплаб мутахассислар "Ал-Қоида" ҳали биз ўйлаганчалик кучсиз эмаслигини таъкидлашмоқда. Масалан, АҚШ МРБ собиқ ходими Брюс Риделнинг фикрича, "Ал-Қоида" ҳамон жуда хавфли. Сингапур стратегик тадқиқотлар институти ходими Рохан Гунаратна шундай ёзади: "Сўнгги саккиз йилда икки юзга яқин террорчилик ҳаракатининг олди олинди. Уларнинг учдан бири Европа ва Шимолий Америкада амалга ошиши керак эди". Шундай экан, уларни кучсизланди, дейиш тўғримикан?

Террорчиларни йўқ қилиш учун, аввало, унга қарши кучларни бирлаштириш лозим. Айрим террорчилик ташкилотлари Европанинг марказидаги давлатларда бемалол фаолият кўрсатаяпти. Уларни маблағ билан таъминлаётган ташкилотлар ҳам бемалол ишлаб турибди. Афғонистондаги, Лотин Америкасидаги кўплаб гиёҳванд моддалар олинадиган ўсимликлар плантациялари улар қўлида. Террорчилар гиёҳванд моддалар савдосидан миллиардлаб доллар фойда кўраяпти.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

ХИЗМАТЛАР СИФАТИ ВА САЛМОҒИ ОШМОҚДА

буни ОАТ Турон банкнинг Сурхондарё ва Хоразм вилоятлари филиаллари фаолияти мисолида яққол кўриш мумкин

Аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда, барча соҳалар бўйича иқтисодий барқарорликни таъминлашда, ишлаб чиқаришни замонавийлаштиришда юқори даражада молиявий хизмат кўрсатиш республикамиз банклари олдида турган асосий вазифалардан ҳисобланади. Айниқса, жаҳон иқтисодиётида юз бераётган молиявий инқирозлар бу ишлар салмоғи ва даражасини янада оширишни талаб қилмоқда. Бундан йигирма йил муқаддам ташкил этилган очиқ акциядорлик тижорат Турон банки ҳам ҳозирги кунда мамлакатимиздаги нуфузли молиявий муассасалардан бири ҳисобланади. Мазкур банк юртимиздаги кўп сонли мижозларга юқори сифатли хизмат кўрсатиш билан бирга ташқи иқтисодий фаолият амалиётларини ҳам бажаради.

ОАТБ ТУРОН банкнинг Сурхондарё вилоят филиали жамоаси ҳақида сўз юритганда, шуни алоҳида қайд этиш ўринлики, мазкур молия муасссаси халқ фаровонлиги йўлида катта ҳажмдаги ишларни амалга ошириб келмоқда. Гарчанд воҳада қишлоқ хўжалиги устувор бўлса-да, кейинги йилларда саноатни жадал ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда йирик инвестицион лойиҳаларни яратиш борасида салмоқли ишлар бажарилди. Буни хусусан молиявий муассаса мижозларининг кейинги 7 ойда 70 тага кўпайиб, 1115 тага етгани билан ҳам изоҳлаш мумкин. Эътиборлиси шундаки, мижозларнинг қарийб 60 фоизини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари ташкил этади.

Бугунги мижоз билан 5-10 йил аввалгисининг ўртасида катта фарқ бор. Боиси, айни пайтдаги мижоз ҳақиқий тадбиркорликнинг ҳадисини олган, ўз ишини иқтисодий-молиявий жиҳатдан таҳлил қила олишни билади, шунингдек, етарли билим ҳамда тажрибага эга.

— Мижозларимиз қонунлар, жумладан банк-молия, тадбиркорлик соҳасидаги қонунларимиздан қанчалик яхши хабардор бўлса, уларнинг мазмун-моҳиятига етса, бу ўзлари учун ҳам, биз учун ҳам фойдали, — дейди молиявий муассаса бошқарувчиси Ўктам Худойқулов. — Мамлакатимизда хусусий мулк эгаларининг иқтисодий билим даражаларини оширишга хизмат қилувчи мукаммал меъёрий ҳужжатлар мавжуд. Ходимларимиз улар моҳиятини тўла тушуниб етишида тадбиркорларга яқиндан ёрдам бермоқда. Мижозларнинг кўпайиб боришида ана шу жиҳатлар ҳам омил вазифасини ўтаган бўлиши мумкин. Бу шунингдек, банкнинг иқтисодий ривожланишини таъминлашга хизмат қилаётир. Айниқса, тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, корхоналар фаолиятини кенгайтириш ва шу йўл билан янги иш ўринларини яратиш учун мижозларга таклиф этилаётган кредитлаш сиёсати фойдали бўлмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 1 август ҳолатига банк кредит портфелида кредит қўйилмалари 4 млрд. 598 млн. 717 минг сўмни ташкил этди.

Ўтган 7 ой давомида тадбиркорлик субъектларига 1 млрд. 254 млн. 787 минг сўмлик кредит маблағлари берилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида фаолият юритаётганлар ушбу кредитлар эвазига ўз айланма маблағларини кўпайтириш билан бирга қўшимча 58 та янги иш ўринлари яратишга эришди. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 7 ноябрдаги 383-сонли қарори ижросини таъминлаш учун ажратилган 434 млн. 698 минг 900 сўмлик имтиёзли кредитлардан оқилона фойдаланган 18 та фермер хўжалиги мўл ҳосил йиғиштириб олиш имконига эга бўлди.

Банк фаолиятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, кам таъминланган, шунингдек, ёш оилаларга моддий кўмак бериш ҳам муҳим вазифалар сирасига киради. Масалан, ўтган йил давомида Президентимизнинг қарори асосида 72 та кам таъминланган оила банкнинг кўмагида оилавий шароитларини яхшилаб олган бўлса, 121,7 миллион сўмлик имтиёзли кредит туфайли 18 та ёш оила ўз шахсий уй-жойига эга бўлди. Ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашга қаратилган кредит режасининг 121 фоизга бажарилгани айниқса, диққатга сазовордир. Ушбу савобли ишнинг жорий йилда ҳам давом этаётгани эса янада эътиборлидир. Хусусан, яна йигирма бешта кам таъминланган ҳамда бешта ёш оила банк ажратган маблағлар эвазига уй-жой қуриш, паррандачилик ва чорвачиликни ривожлантириш имкониятига эга бўлди. Бу ишлар учун жами 103 миллион сўм кредит маблағи ажратилган бўлса, унинг 60 миллион сўми кам таъминланган оилаларга энг паст фоизларда берилди.

Юртимизда хотин-қизлар фаоллигини ошириш, уларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш, ҳаётнинг барча жабҳаларида ўз имконият ва иқтидорларини синаб кўришлари учун яратилаётган шарт-шароитлар туфайли кейинги йилларда аёллар орасида ҳам тадбиркорлик кенг қанот ёзмоқда. Эндиликда барча соҳаларда ишбилармон аёлларни учратишимиз мумкин. Жумладан, Турон банк ОАТБнинг Сурхондарё вилоят филиали ҳам бундай инсонларни қўллаб-қувватлаб, улар билан молиявий ҳамкорлик доирасини йилдан-йилга кенгайтириб бораётгани эътиборлидир. Масалан, жорий йилда шу мақсадда ажратилган кредит миқдори 166 миллион сўмни ташкил этди. Ушбу маблағлар хотин-қизлар орасида касаначиликни йўлга қўйиш, миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун йўналтирилди.

Маълумки, аҳолига турли хил молиявий хизматларни таклиф қилиш фуқароларга қатор қулайликлар яратиш билан бирга, банк даромадининг кўпайиб боришида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, кейинги йилларда ҳаётимизга янгилик сифатида кириб келган пластик карточкаларнинг жорий этилиши фикримизнинг исботидир. Вазирлар Маҳкамасининг "Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини ҳаётга татбиқ этиш борасида мазкур молия муассасасида ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Банкнинг пластик карточкалар бўлими тақдим этган ҳисоботга кўра, мижозларга жами 5400 дона карточка тарқатилган бўлиб, шундан 5010 донаси маош лойиҳа шартномаси орқали муомалага чиқарилган. Бу ҳам мазкур тўлов тизими тобора оммалашиб бораётганини кўрсатади. Маош-лойиҳа шартномалари эса ўтган йилга нисбатан 920 тага кўпайди.



Шу билан бирга, банк жойларда терминаллар сонини ҳам ошириб бориш, вилоятнинг олис туманларидаги шохобчаларида ҳам терминалларни жойлаштириш сиёсатини мутаносиб равишда олиб бормоқда. Бугун "Денов", "Сариосиё", "Қўшчинор", "Жайҳун" минибанкларига, шунингдек, Термиз бўлимидаги марказий жамғарма кассасига 1 тадан терминал жойлаштирилган бўлса, қолганлари (24 дона) савдо шохобчаларига ўрнатилди. Савдо терминаллари орқали кирим бўлаётган айланма маблағ 438,6 миллион сўмга етказилди.

Албатта, эришилаётган бу ютуқлар "Турон банк" ОАТБнинг Сурхондарё филиали жамоаси учун чегара эмас. Молиявий муассаса жорий йилни барча кўрсаткичлар бўйича ижобий натижалар билан якунлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

***

ОАТБ ТУРОН банкнинг Хоразм филиали 1993 йилдан буён иқтисодиётимиз тараққиётига ўзининг муносиб улушини қўшиб келмоқда. Хусусан, молиявий муассасанинг Боғот туманидаги ва Питнак шаҳридаги минибанклари ҳамда бошқа шохобчаларида мижозларга малакали ва сифатли хизматлар кўрсатиб келинмоқда. Қўлга киритилаётган ютуқлар салмоғини қуйидаги кўрсаткичлардан ҳам билса бўлади: жорий йилнинг 1 сентябрь ҳолатига даромадлар суммаси 542,4 млн. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 130,9 млн. сўм кўп фойда олинди.

Филиал жамоасининг ўзаро манфаатли ҳамкорлик тамойилларига асосланиб фаолият юритиши унинг хизматлар бозоридаги мавқеи анча мустаҳкамланишига, мижозлар сонининг ўсишига ва сифат таркибининг тубдан ўзгаришига имконият яратмоқда.

Молиявий муассаса кенг доирадаги операцияларни амалга ошириш ва мижозлар олдидаги ўз мажбуриятини тўлиқ бажариш мақсадида кредитлар ажратиш, факторинг, лизинг ва валюта амалиётларини, халқаро пул ўтказмалари, лойиҳаларни молиялаштириш, ташқи иқтисодий, жамғарма, қимматли қоғозлар билан боғлиқ ҳамда ҳисоб-рақамларни масофадан бошқариш каби бир қатор амалиётларни бажариб келмоқда. Хусусан, Президентимиз томонидан жорий йилнинг 20 февралида имзоланган "Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги" Фармони фуқароларнинг банк тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга, вақтинча бўш турган маблағларини тижорат банкларига жалб қилишни рағбатлантиришга қаратилган муҳим ҳужжатдир. Филиалнинг масъул ходимлари томонидан аҳолини давлатимиз раҳбарининг Фармони ва ҳукуматимиз қарорларининг мазмун-моҳияти билан таништириш мақсадида жойларда тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилмоқда. Молиявий муассасада ҳозирги пайтда 860 дан ортиқ жисмоний шахслар томонидан омонатларга 1 миллиард 380 млн. сўмдан ортиқ (ўтган йилга нисбатан 529 млн. кўп) миқдорда маблағлар жалб қилинди. Бу мижозлар ва аҳолининг банк тизимига ишончи тобора ортиб бораётганидан далолат беради. Айни пайтда фуқаролар қўлидаги бўш пул маблағларни банк айланмасига жалб қилишга ҳам катта эътибор берилмоқда. Шу мақсадда "Тантана", "Баҳор", "Барҳаёт", "Имконият", "Нуроний", "Кафолат", "Ҳамкорлик", "Тошкент — 2200", (муддатли ва йиллик 21, 24, 26, 30, 32 фоизгача) номли омонат турлари очилган. Шунингдек, хориж валютасидаги йиллик 7, 9, 12 фоизлик "Optima", "Universal", "Merос", "Bonus plus" деб аталувчи омонатларига ҳам чек-ланмаган миқдорда маблағ қўйиш мумкин.



Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги "Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори талабларини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш мақсадида банкда аниқ чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Чакана савдо, умумий овқатланиш ва пуллик хизмат кўрсатувчи корхоналарга жами 46 та терминал ўрнатилган, 3250 дона пластик карточкалар муомалага чиқарилди, иш ҳақларини пластик карточкалар орқали ҳисоб-китоб қилишга ўтган корхоналар сони 18 тани ташкил қилади.

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар моҳиятидан келиб чиқиб, муҳим тармоқлар — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, маҳаллий ҳомашё асосида ишлаб чиқаришни изчил йўлга қўяётган барча турдаги корхоналарга мунтазам равишда кредитлар берилмоқда. Асосан, иқтисодиётнинг реал тармоқларига ажратилиб келинаётган кредитлар ҳисобидан маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажми кенгаймоқда, янги иш ўринлари яратилмоқда. Хусусан, молиявий муассаса ўз маблағлари ҳисобидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида йил бошидан буён 1 миллиард 180 млн. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратди. Бундан ташқари, ишбилармон хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолиятини ривожлантириш мақсадида тадбиркор аёлларга 135 млн. сўм кредит берилди. Умуман ажратилаётган кредитларнинг 37 фоизи қишлоқ хўжалиги, 25 фоизи қурилиш ва маиший хизмат кўрсатиш, 24 фоизи савдо ва умумий овқатланиш, 14 фоизи эса халқ хўжалигининг бошқа тармоқларига йўналтирилди. Аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган истеъмол кредитлари ҳам шулар жумласига киради.

Президентимизнинг шу йил 29 январдаги "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили Давлат дастури тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш учун ҳам қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Қувончлиси, бу соҳада тадбиркорларга ажратилаётган кредитлар қисқа фурсатда ўз самарасини бераяпти. Масалан, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш учун Боғот туманида фаолият кўрсатувчи якка тадбиркор Азамат Отажоновга 2 млн. сўм миқдорида кредит ажратилганди. Ҳозирда тадбиркор ўз иқтисодиётини анча тиклаб, тадбиркорлик йўлида дадил одимлаб бораяпти. Шунингдек, тумандаги Ўғизработ қишлоғида бунёд этилган ва яқинда фойдаланишга топширилган замонавий 435 ўринлик транспорт ва қурилиш касб-ҳунар коллежини қуришда ҳам молия муассасаси кредитидан фойдаланилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 23 мартдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ўтган давр мобайнида шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига қорамол сотиб олиш учун микрокредитлар, Юртбошимизнинг 2007 йил 18 майдаги "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига асосан вилоятдаги ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш ва реконструкция қилиш учун мунтазам равишда ипотека кредитлари берилмоқда.

Бугунги кунда банк мижозлари "Western union", "Contakt", "Быстрая почта", пул ўтказмалари, "Золотая корона", "Coinstar", "Moneygram" каби халқаро пул жўнатмалари тизимидан кенг фойдаланиш имкониятига эга. Бу хизмат турлари орқали амалга оширилаётган пул айланмалари ҳажми йилдан-йилга ошиб бораяпти. Замонавий технологияларнинг ривожланиши банкларнинг мижозларга молиявий хизмат кўрсатиш спектрини янада кенгайтираяпти, десак янглишмаймиз.

Эътироф этиш жоиз, ОАТБ Турон банки Хоразм филиали ҳам мижозларга замонавий инновациялардан унумли фойдаланган ҳолда хизматлар кўрсатмоқда. Хусусан, ўтган йил февраль ойидан бошлаб янги "SMS BANKING" ахборот хизмати йўлга қўйилган эди. Бу хизмат мижозларнинг ўз мобиль телефони орқали банкдаги ҳисоб рақамининг жорий кун ва соатдаги қолдиғи, ўз ҳисоб рақамига келиб тушган ва ўз ҳисоб рақамидан тўланган охирги тўловларни билиши, қайси ҳисоб рақами орқали қанча суммада тўлов амалга оширилгани каби бир қанча операцияларни аниқлаб берувчи тизимдир.

Яқиндан бошлаб эса банкда мижозлар учун "Интернет банкинг" деб аталувчи хизмат йўлга қўйилди. *Бу хизмат мижознинг ўз ҳисоб рақамини интернет тизими орқали бошқариш сервисидир. У мижоздан шахсий компьютери орқали банкка бормасдан ўз тўловларининг сифатли ва ўз вақтида ўтказилишини таъминлайди.* Ушбу тизим ҳеч қандай қўшимча техника, жиҳоз ва дастурий таъминот талаб қилмаслиги билан ҳам қулайдир. Мижозга мазкур хизматдан фойдаланиши учун замонавий интернет тармоғига чиқувчи компьютер керак бўлади, холос.

Бир сўз билан айтганда, ОАТБ Турон банк ходимлари аҳоли фаровонлигини таъминлаш, юрт иқтисодиёти таянчи бўлган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш йўлида иш олиб боришаяпти. Бунда Президентимизнинг "Жаҳон молиявий — иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" номли китоби ҳамда банк тизимини янада ривожлантиришга доир фармон ва қарорлари ҳамда улардан келиб чиқадиган кўрсатмалар дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Даврон ОРИПОВ,
Тузалбой РАҲИМБОЕВ,
"Hurriyat" мухбирлари.

®

МУТОЛАА

ИККИ ҚИССА САБОҚЛАРИ

Шўролар замонида яратилган бадиий асарларда ўша давр фожиаларини кўрсатишнинг иложи йўқ эди, албатта. Ёзувчи ва шоирлар бу борадаги ўз фикр-мулоҳазаларини рамзий тарзда баён этишарди. Бугун эса замон ўзгарди. Адиб учун ҳар бир воқеа-ҳодисани қандай бўлса, шундайлигича қаламга олмоқ имкони яратилди. Яқин ўтмишдаги фожиалар рўй-рост фош этилаётган қатор асарлар яратилди. Уларни ўқиган киши яқин ўтмишда йўл қўйилган хато-камчиликларни такрорламасликка ҳаракат қилиши билан бирга озодликнинг қадрини янада баландроқ кўтаради.



Тажрибали журналист, истеъдодли шоир ва ёзувчи Жаҳонгир Исмоиловнинг "Сўнгги манзил" (Тошкент, "Ворис" нашриёти, 2007 йил) ва "Тошбой ГАИ ҳангомалари" ("Бухоро" нашриёти, 2009 йил) номли асарларида ҳам шўролар даври фожиалари баҳоли қудрат ёритилган. Шунингдек, Жаҳонгир Исмоиловнинг "Юрт меҳри", "Соғинч" номли шеърий, "Машинасини ўғирлатган домла", "Бу ёғи қандоқ бўларкан", "Туташ тақдирлар" номли насрий китоблари аллақачон ўз ўқувчиларини топган.

Ёзувчининг "Сўнгги манзил" қиссасида бош қаҳрамон — Тўхтасин Норқулович тимсолида мансабпарастлик, порахўрлик, тўрачилик, фаҳш каби иллатлар очиб берилган. Муаллиф қиссанинг бошланишида Тўхтасин Норқуловичга шундай таъриф беради: *"Аслида Тўхтасин Норқулович "ушлаган еримдан кесаман", деб оёқ тираб оладиганлар тоифасидан эмас эди. Ҳатто қўл остидагилар билан ҳам шахсий муносабатини бузмасликка уринар, гап катталашиб кетиши мумкинлигини сездими, дарҳол паст тушар ва муроса йўлини тутарди. Кейин эса учқундан аланга чиқармоқчи бўлган ходимнинг пайини қирқиш учун имконият изларди. Қулай пайт топиб, оёғидан шундай чалардики, уни қайтиб оёққа туролмайдиган, турганда ҳам авалгидай юролмайдиган қиларди. Яна бир муҳим жиҳати, оёқдан чалганда ҳам бошқаларнинг оёғи билан чаларди. Ўзи эса бу ишларга мутлақо дахли йўқдай, бехабардай, ҳатто жабрдийдага ачинаётгандай, унга бирор ёрдам бериш истаги бор-у, лекин бу иш қўлидан келмайдигандай таассурот қолдириб, чеккада томошабинга ўхшаб тураверарди. Сиртдан сир бой бермасди. Фаолиятининг таг-заминида эса фақатгина мансаб курсисида мустаҳкам туриш илинжи мужассам эди".*

Асар қаҳрамони Тўхтасин Норқулович — мунофиқ. У "катталар" ҳақорат қилса ҳам, камситса ҳам, таҳқирласа ҳам тишини-тишига қўйиб чидайди. Лекин ўзидан лавозими пастроқларга паст назар билан қарайди, ҳақорат қилиш пайида бўлади.

Дарвоқе, ҳаётда юз берган катта-кичик тўқнашувлар унинг дунёқарашини, одамларга нисбатан тасаввурини ўзгартиради. Унинг ўз атрофидаги мансабдорлардан олган сабоғи шу бўладики, у яшаган замондаги аксарият раҳбарлар ўзгалар назарида жонини жабборга бериб, эл учун меҳнат қилаётгандай, аслида эса барча хатти-ҳаракатлари замирида шахсий манфаат ётади.

Қиссада колхозлардаги кўзбўямачиликлар, меҳнаткаш халқнинг ҳақ-ҳуқуқини поймол қилиш воқеалари ҳам адибга хос синчковлик билан бадиий талқин қилинган.

Ёзувчининг "Тошбой ГАИ ҳангомалари" ҳажвий қиссаси нашр этилди-ю, шов-шув бошланди. "Иби! ГАИни ҳам ҳажвия қилиб бўладими? Энди улар муаллифни тинч қўйишмаса керак!" деб кимнингдир лабига учуқ чиққан бўлса, бошқа биров: "Э, отасига раҳмат азаматнинг! Роса боплабди! Ҳажвиядаги кўплаб воқеаларга менинг ўзим гувоҳ!" дея хурсандлигини изҳор қилди. "Ҳажвия ёзиб, ўзингга душман орттириб нима топасан?" деган "меҳрибон"лар ҳам учради. Асосий китобхонлар эса ушбу асар орқали яқин ўтмишга сафар қилишди. Шўролар замонида урчиган қинғирлик, мансабпарастлик, таъмагирлик, порахўрлик, ёлғончилик каби иллатларни қиссадаги Тошбой ГАИ, Тоғаев, Қўзи Қўчқорович, Гулбоев, Алихўжалар образида кўриб, ёзувчининг маҳоратига тан берасан киши.

Қисса бош қаҳрамони Тошбой ГАИнинг порахўрлик йўлида қилган "ихтиро"лари ҳар қандай "учар"ни ҳам ярим йўлда қолдиради. Порани зўр келганда ютиш, йўл четидаги тошнинг тагига (қўлга тушган қоидабузар ҳайдовчиларга буюриб) беркитиш, бошлиқ кўнглини топиш учун пора бериш "санъати", хуллас, ақл лол қоладиган даражадаги устаси фаранг кирдикорлари билан танишиб, ҳам куласиз, ҳам бундай кимсалардан нафратланасиз.

Бу нокаснинг устози ким экан деб ўйланиб қоласиз. Ушбу саволнинг жавоби қисса қаҳрамони тилидан шундай баён қилинади: *"...Ҳаётда ўрнимни топишим, шу даражага етишимга сабабчи, бошқа ҳеч ким бермайдиган панд-насиҳатларни эринмасдан, такрор-такрор қулоғимга қуйиб, йўл-йўриқ кўрсатиб турган инсон — падари бузрукворим... У зоти бобаракот ҳуқуқшунослик факультетига сиртқи ўқишга кириб, фаолиятларини судда котибликдан бошлаб, камина сингари бир амаллаб дипломни қўлга олгач, терговчиликка ўтиб, ҳатто бир муддат қишлоқ туманида прокурор бўлиб ҳам ишлаганлар. Охири кўролмайдиганлар дастидан адвокатликка ўтиб кетган эдилар".*

Ана, тугун ечилди. Қарғанинг шогирди — қарға бўлади-да! Бобокалонов ўз ўғли Тошбойга "ҳақиқий устоз". Дунёдаги маккорлик, ҳуқуқбузарлик йўллари, кишилардан пул ундириш усулларини у ўғлига эринмай ўргатган. Натижада ўғил отадан ўтса-ўтадики, асло ортда қолмайди. Ҳаром луқма еб ўсган фарзанд ҳаромхўрликда устаси фаранг бўлади.

Хўш, "устоз" ишининг нихояси нима бўлди-ю, "шогирд" фаолияти қандай якун топди? Интиҳода ҳар иккаласининг ҳам ҳоли вой бўлди. "Устоз"ни кўчқор сузди, шунинг жабридан ўлди. "Шогирд"-чи? Тошбойнинг бир ҳайдовчидан пора олаётгани видеотасмалар орқали кўрсатилди, бошқа бир ҳайдовчидан эса пора талаб қилаётганида айтган гаплари диктафонда янгради. Хуллас, бошлиқлар олдида мулзам бўлиб: "Кечиринглар! Бошқа қилмайман!" деб ёш боладай йиғлай бошлади. Шунда "катталар" "Ҳайф сенга погон. Садқаи одам кет!" дея елкасидаги погонларни юлиб олдилар, ишдан ҳайдадилар.

Ана, қинғир ишнинг оқибати. Дарҳақиқат, бу ҳикматнинг нақадар тўғрилиги, ҳаётий асосга эга экани қисса воқеалари орқали яна бир бор ўз исботини топган.

Киши ўз айбу нуқсонларини виждонидан яширa олмайди. Шу боис муаллиф бош қаҳрамони Тошбой тилидан қисса воқеаларини баён қилади. У барча қилган жиноятлари, бемазагарчиликларини эринмай бир-бир айтиб чиқади. Унинг айтган ҳангомаларидан китобхон аввал мириқиб кулади, кейин эса нафратланади. Аслида асардан кўзланган мақсад ҳам шу. Чунки биз кимдан нафратлансак, ўша кишининг қилмишлари, одатларини ўзимизда такрорламасликка ҳаракат қиламиз. Ушбу иллатлар ўзимизда сезилса, улардан қутулиш учун бор куч-қувватимизни ишга соламиз.

Ҳажвий қисса охирида ишдан қувилган Тошбой собиқ ҳамкасби, кейинги пайтда тижорат билан шуғулланаётган Тешақул билан учрашиб қолади. Тешақул ҳам қинғирликлари боис йўл-патруль ҳаракати хизматидан қувилган эди. Тешақул ҳамтовоғи Тошбойни тижорат қилишга даъват этади. Шу жойда ҳажвий қисса якун топган.

Албатта, ёш китобхонлар учун бу воқеа афсона, эртакдай туюлиши мумкин. Чунки улар шўролар замонасини кўрмаган, бундай кирдикорларга дуч келишмаган. Ҳақиқатан ҳам мустақилликка эришганимиздан сўнг юртдошларимизнинг ички олами ўзгарди, қалблар обод бўлди. Юқорида номлари зикр этилган қаҳрамонлар билан ҳозирги замон одамларини таққослаганда бу ижобий хислатлар, ўзгаришлар янада ёрқинроқ, теранроқ англанади. Энг муҳими, ўқувчи хоҳ кекса китобхон, хоҳ ёш ўқувчи бўлсин асарни мутолаа қилиш жараёнида қисса қаҳрамонларининг даври ўтганига яна бир бор амин бўлади.

Садриддин Салим БУХОРИЙ,
Самад АЗИМОВ.

АКС-САДО

Болани бошидан тарбиялаган маъқул

"Дарслик ўқувчи ёшига муносиб бўлса..."
("Hurriyat", 2009 йил 12 август)

Рости, мақолани ўқиб мактабларнинг адабиёт дарсликларида болаларнинг ёшига номуносиб, ўта "енгил" шеърлар берилаётганидан хабардор бўлиб, тўғриси ўйланиб қолдим.

Мен ҳам йигирма беш йилдан буён мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайман. Дарсда ўқувчиларнинг диққатини жамлаш нақадар қийин эканини жуда яхши тушунаман. Устига-устак дарсликларда болалар фикрини чалғитувчи бадиий асарлардан парчалар берилса, албатта, боланинг дунёқарашига салбий таъсир қилади.

Яқинда марказий нашрларнинг бирида қуйидаги маълумотни ўқиб қолдим: Европанинг Вена шаҳридаги халқаро мактабга 11-12 ёшлар оралиғидаги ўсмирлар танлов ва суҳбатлар асосида турли қитъалардан қабул қилинар экан. Қизиғи, биз демократия кучли деб биладиган бу шаҳардаги махсус мактабда қиз ва ўғил ўқувчилар бўлиниб, алоҳида жойларда ўқитиларкан.

— Ахлоқий тарбия ҳам ҳаётда ҳал қилувчи ўрин тутишини ҳисобга оладиган бўлсак, қаттиқ қонун-қоидалар фақат ўқувчилар учун фойдали эканини тушуниш қийин эмас, — дея изоҳ беribди махсус мактаб ректори Мишель Биндер.

Ҳа, ёш авлоднинг пухта билим ва юксак ахлоқли бўлиб вояга етишини истаган халқ ўз фарзандларини ҳар қандай салбий таъсирлардан асрайди.

Турсунали ЮСУПОВ
Риштон тумани, ўқитувчи.

МУЛОҲАЗА

ҲАСАД "АМАКИ"

Одамзот яралибдики, яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик, ўзаро курашиб келади. Ҳуддики оқ ва қора рангларнинг мисол, кеча билан кундуз каби фарқланади...

Қуйида публицист Ҳаким Саттарий ҳамма вақт ҳам яхши инсонларни қийнаб, ўйлантириб келган иллатлардан бири — ҳасад ҳақида, унинг келиб чиқиш сабаблари, ёвуз оқибатлари ҳақида мулоҳаза юритади.

Зеро, муқаддас китобларда ҳам энг оғир гуноҳлардан бири сифатида қораланган ҳасад, ичиқоралик, кўролмаслик, бахиллик — яхшиликнинг, эзгуликнинг кушандаси сифатида қораланади. Бу иллатдан ҳалос бўлишнинг имкони бормикин?

Ҳар қандай кишида ўсиш, ривожланиш, олға интилиш сингари табиий майллар бўлади, одам боласи она қорнидан шундай инстинктлар билан туғилган. Атроф-муҳит, тарбия, ҳатто ирсий омиллар таъсирида бу майлларни юзага чиқарадиган фаол индивид уни оқ ёки қора рангларда зоҳир қилар экан. Агар киши борлиққа хайрихоҳлик билан қараб, ўзгалар эришган натижаларни мамнуният билан қабул қилиб, ўзига ҳам шундай даражани истаса ва унга беғараз интилса, бундай кайфиятнинг ранги оқ бўлар экан. Бу ҳолатни бир сўз билан "ҳавас" деб атайдилар. Мабодо, бошқаларнинг ютуғи уни хафа қилса, тинчини бузса ва ўзидан ўзган одамни ёқтирмай қолиб, ғаразгўйлик қилса, бундай туйғунинг ранги қора, номи эса "ҳасад" экан. Ҳасад "эга"си — ҳасадгўй бировнинг ютуғини кўрганида, унга эришиш учун тортган азобини, қийинчилигини ҳисобга олмайди ёки олишни хоҳламайди. У: "Бахт бир текис тарқатилади, нега мен бахтсизман?" — деб ўксинади, ичини "илон кемиради".

Тарихда ҳасаднинг мудҳиш қилмишига оид бир-биридан даҳшатли мисоллар кўп: қирпичоқ бўлган ака-укалар, фарзандининг қотилига айланган оталар, юз йиллар давомида душман бўлиб қолган авлодларнинг фожиали қисмати ибратли сабоқ бўлса-да, инсон фарзанди ҳасад майлларини енга олмай, унинг емишига айланиб қолаверади. Унга қарши бутун мамлакат бўйича уруш эълон қилинганида ҳам, уни туғдирувчи омилларни жиловлаш учун хизматчиларга бир хил кийим кийдирилгани-ю, маошини конвертга солиб бериш сингари жузъий чоралар кўрилганида ҳам бу ҳаракатлар натижасиз қолаверган, бу иллат эса шумғиядек болалаб кетаверган.

Одам ўз-ўзидан ҳасад иллатига чалиниб қолмайди. Кишининг феъл-атворидаги кичкина унсурлар зўрайиб, ҳасадга олиб борар экан. Масалан, ён-веримизда ҳар нарсага қизиқаверадиган одамларни кўп учратганмиз. Шундай ҳолат ҳам охир-оқибат ҳасаднинг пайдо бўлишига олиб бориши мумкин экан (бу туйғу шунчаки пайдо бўлмайди, нимадир ичдан безовта қилаверади-да). Баъзи шоирлар бор: бутун ижоди нимадандир нолиш, одамзотга танбеҳ, шу қаторда ўзига эътибор сўраш — иззатталабликдан иборат. Бу мотивлар шеърларида ижтимоий ҳодиса даражасида акс эттирилмай, шахсий кайфият ифодасига ўхшаб қолганидан бир шахснинг инжиқлигидек таассурот қолдиради. Ёки ҳеч нарсадан қониқмаслик, доим норози бўлиб юриш, борига шукр қилмаслик сингари кайфиятларнинг замирида ҳам қора рангли туйғулар ётган бўлади. Чунки кўнгилнинг бундай нотинчлиги ўша киши хоҳлаган нарсага бошқанинг эгалик қилишидан келиб чиқади, қўлга киритилган бирор ютуққа ўзгадан кўра ўзини лойиқроқ ҳисоблайди.

Билъакс, ўзига насиб этганидан роҳатланиб, насиб этмаган нарсадан афсусланмаслик бағрикенглик ва маънавий юксаклик ифодасидир. Бу талаб бизнинг азалий ахлоқимиздаги "Борига — барака" деган тамойилни эсга солади. Афсуски, кўпчилик бу талабни унутади, "қанча бўлса, шунча оз" шиорини байроқ қилиб олади. Агар одамлар ўзида борига шукр қилиб, йўғига эътибор қилмасалар, озгина нарса ҳам уларни қониқтиради.

Инжиқлик, носамимийлик, шуҳратпарастлик каби иллатлар айнан ҳасаднинг дояси ҳисобланади. Кимнинг феълида шундай қусурлар бўлса-ю, уларни бартараф этмаса, бир кун келиб ҳасадгўйга айланиб қоларкан. "Кимки инжиқлик ва шуҳратпарастлик туфайли ҳамма нарсага бирдан эришишни истаса, сўзсиз, у ҳасадгўйдир. Ҳасадгўйни "қийнайдиган" одамлар эса ҳамма вақт топилади, чунки жуда кўп одамлар нимаси биландир ундан устундирлар". (Ф.Бэкон)

Ҳасаднинг дастлабки аломати — ғийбатдир. Кўчалар, кўп қаватли уйлар оралаб гап терадиганлар, гап тарқатадиганларни безовта қилган туйғу ҳам ҳасад. Ундайларнинг бутун вужудини бировнинг ютуғини кўролмаслик, ичи қоралиқ, бахиллик кайфияти қамраб олган ва улар бундай исканжадан чиқиб кета олмайдилар. Бу иллатлар беозор яшаб юравериши мумкин, чинакам ҳасаднинг кўриниши эса "гапдан амалий ишга ўтиш"дадир. Нуқул чади (бу осмонга тупуришдек гап — юзингга тушади). Мутахассислар пайдо бўлиб улгурган инстинктдан ижобий мақсадда фойдаланиш мумкинлигини уқтиришади.

Шахсий камолот йўлида ишлатилиши мумкин бўлган куч-қувват инсонни емирувчи ҳиссиётга сарфланмоқда. Олимлар бир кунлик ҳасад уч кунлик оч яшашга ўхшаш таъсир қилишини аниқлашган. Ҳасаддан одам кўкариб кетиши, ошқозон ярасини орттириб олиши, ундан тақдир юз ўгириши, истиқболида омад эшиклари тақа-тақ бекилиши мумкин. Бутун борлиғи барбод бўлган, бунёдкорлик қуввати ғазаб, жаҳолатга сарфланган, натижада, асаблари ишдан чиққан, ҳамма нарсадан мосуво бўлган одам тақдирига ўзида ачинишгина эмас, нафрат ҳиссини уйғота оладиган шахс фитратидаги салбий ҳолатни жиловлашга киришган бўлади.

Одатда ҳасад атрофингиздаги кимнидир ёқтирмай қолишдан бошланар экан. Касбдошингиз ёки ҳамхонангизнинг кийиниши, эзмалиги, бирор қилиғи ғашингизни келтира бошладими, мабодо, бу кайфият унинг сиздан кўра омадли ёхуд ишлари авжидалигидан эмасми, деган андиша пайдо бўлсин. Шундан сўнг "рақиб"ингизни оқлайдиган важлар қидиринг ва унинг ўзингиз учун ёқимли тимсолини яратишга эришинг. Ички икрор билан мардона: "Ҳа, мен бу одамга ҳасад қилаяпман, бироқ унинг ҳеч ёмонлиги йўқ, фақат яхши фазилатлари кўп экан" деб тан олинг. Ана шундай эътироф бошланган пайтдан ҳасаднинг емирувчи кучи ўтмаслашиб, ўз-ўзингизни танқид босқичи бошланади. Айбдорликни ҳис қилиб, тор феълингиздан хафа бўласиз. Айни шу ҳолат сизда ички қувватингизни яхши амалларга йўналтириш кўникмаси уйғонаётганидан далолатдир.

Энди ишга муносабатни ўзгартиришга, ёруғ режалар тузишга тўғри келади. Фаолиятдаги баъзи камчиликларни аввало тан олиш, сўнгра уларни тузатишга киришиш лозим. Шу тахлит сиз ҳам дастлаб жузъий, кейинчалик эса катта ютуқларга эриша бошлайсиз. Энг асосийси — ичингиздаги қора шарпадан халос бўласиз. Ўқиб кўрсак, илмий адабиётларда шундай маслаҳат ва тавсиялар қайд қилинган экан.

Гўзал турмуш тарзимизга тўғри келмайдиган, бировга айтса, одамнинг ўзи хижолат бўладиган қусурлар замондошларимизга юқмасин, деган эзгу ният билан уларни қайд этиб қўйдик. Зеро, унга гирифтор бўлганларнинг қилиқларини на тушуна, на қабул қила оласиз. Бирбирини такрорламайдиган бундай кўргуликлар тез-тез учраб туради.

...Икки собиқ мактабдош катта шаҳарда учрашиб қолади. Йиллар ўтган, икковининг даражаси ҳам, ўша кунги кайфияти ҳам турлича эди. Шаҳарда уй-жой қилиб, ўзига тўқ яшаётган ўртоқ аёлини касалхонага олиб келиб, овора бўлиб юрган танишини хонадонига таклиф қилади. Аввало, одамгарчилик, қолаверса болаликдаги қадрдони билан ҳам ҳангомалашиш, ҳам унинг синиқ кўнглига таскин бериш эди муддаоси. Аммо суҳбат қовушмади, меҳмон ҳамма нарсани сўраб-суриштираверар, ўзининг омадсизлигидан нолигани-нолиган эди. Хуллас, эски биродарларнинг суҳбати кўр олмади, кўнгилларнинг хижили ёзилмади. Гап нимадалиги эрталаб маълум бўлди: меҳмон ўзи тунаган хонадаги чинни идишларни мажақлаб, тун қоронғиси билан ғойиб бўлганди.



Х.Содиқов чизган сурат.

Хонадон соҳиби бундан ғазабланса ҳам жаҳлини ичига ютди. Фақат осмонга қараб: "ўзини осиб қўймабдиям" деди. У ҳасад нималигини, бу туйғу одамни қандай кўйга солишини биларди. "Меҳмон"га бундан бошқа ҳаёт насиб этмаслигини ҳам тушунарди.

Ер юзининг бирон мамлакатида "ҳасад қурбонлари" куни ёки музейи йўқ. Аслида, қайси бир қирғин-баротларнинг заминига разм солсангиз, ҳамма ишни "ҳасад — шайтони лаъин" бажарганини, фақат бошқа қиёфада, нозик сабабларни ниқоб қилиб майдонга чиққанини билиб оласиз. Афсуски, у ҳозир ҳам, бундан кейин ҳам "йўли очилиши"ни кутиб яшайверади. Агар у бўлмаганида ёки вақтида жиловланганида ёхуд навбат берилмаганида маънавият дунёси қанчалаб мўъжизалар билан бойиган бўларди. Кўплаб истеъдодли одамлар унинг қурбонига айланишмасди.

"Олис ва яқин тарихимизда нене буюк зотлар ҳасад ва бахиллик, кўролмаслик туфайли қандай азоб-уқубатларни бошидан кечирган, соғлиғи, ҳатто ҳаётидан жудо бўлганини аччиқ мисолларда кўриш мумкин", дея қайд қилинади Юртбошимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида. Зеро, ҳасад энг юксак фазилатларга ҳамла қилиб, фақат ўртаҳол нарсаларнигина аяйди" (Гастон де Левис, француз ёзувчиси). Абдулла Қаҳҳор "Сароб"ни 28 ёшида, Абдулла Қодирий "Ўткан кунлар"ни 31 ёшида, Ойбек "Қутлуғ қон"ни 35 ёшида ёзишган эди. Мазкур улуғ адибларнинг қолган умрлари ҳасад исканжасида ўтган ёки анча барвақт унинг қурбони бўлишган. Ҳолбуки, бу уч роман даражасидаги асарлар ўзбек адабиётида ҳозир ҳам нодир ҳодиса. Албатта, маҳорати камолга етган ёзувчиларимизнинг ҳаётлари текис кетганда, бу даражадан баланд кўтарила олган, булардан-да юксак асарлар яратган бўлардилар.

Дарҳақиқат, ҳасад туйғуси арзимайдигандек туюлса-да, аслида ана шундай мислсиз ёвузликларга қодир. Зеро, қор билан қопланган тоғ чўққисида қуш оёғидан тушган нўхатдек нарса мислсиз кўчкига сабаб бўлиши мумкин. Одам қўнглидан кечган кичкина салбий туйғу билан жамиятда улкан бўхронни келтириб чиқаради. Майлларни жиловлаб, келажак манфаати учун ўзни тия билиш эса қаҳрамонликдир. Шундай экан, ҳар бир инсон ҳасад билан эмас, ҳавас билан яшаса шунинг ўзи нечоғли бахт.

Ҳаким САТТОРИЙ

МАДАНИЯТ

ТАДБИР

МУЛЬТФИЛЬМ — ЭРМАК ЭМАС

балки, бола дунёқарашининг шаклланишида етакчи омилдир

Кино санъатига кўрсатилаётган эътибор туфайли мамлакатимиз студияларида мультфильмлар яратиш жараёни тезлашди. Ҳар йили давлат ва хусусий бадиий устахоналарда ўндан ортиқ шундай асарлар яратилмоқда. Уларнинг орасида "Дугоналар", "Кулол", "Мушук ва жин", "Бола, лочин ва бойўғли ҳақида эртак", "Чироқ кўтарган мушук" сингари муваффақиятли чиққан асарлар ҳам бор.



Баъзи мультфильмларимиз халқаро танловларда совриндор ҳам бўлмоқда. Аммо бу борада ҳали қилинадиган ишлар кўп. Бу ҳақда "Ўзбеккино" Миллий агентлиги қошидаги бадиий кенгашнинг кенгайтирилган йиғилишида батафсил сўз юритилди. Унга кенгаш аъзолари билан бир қаторда киношунослар, "Ўзбекфильм" қошидаги мультбирлашма ходимлари, хусусий киностудияларнинг раҳбар ва ижодкорлари таклиф этилдилар.

Маълумки, юртимизда келажагимиз эгалари бўлган ёш авлоднинг камолоти учун етарлича ғамхўрлик қилинмоқда. Уларни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш барчамизнинг ватанпарварлик бурчимиздир. Бундай оламшумул юмушдан кино санъаткорлари, хусусан, мультфильм ижодкорлари четда туриши мумкин эмас. Айниқса, ҳозирги ахборот асрида экрандан намойиш қилинаётган мультфильмлар ўз томошабинларини оҳанрабодек жалб қилаётган экан, бундай асарларнинг бадиий савияси, ғоявийлиги, миллийлиги ва бошқа етуклик унсурлари катталарни бепарво қолдирмаслиги зарур. Негаки, бугун болага тақдим қилинаётган кичкина воқеа унинг дунёқараши шаклланишида катта аҳамият касб этиши мумкин.

Бу ҳақдаги мулоҳазаларини баён этар эканлар, йиғилганлар ҳар доим ҳам яратилаётган асарлар юксак талабларга жавоб бермаётганини эътироф этишди. Уларда касб маҳоратининг етишмаслиги, узоқ йиллар олдин қарор топган сийқа шаклдардан чиқа олмаслик, халқимизга хос инсоний фазилатларни болалар зеҳнига сингдириш ўрнига нодонлик, шафқатсизлик, бефарқлик, мавҳумлик сингари нуқсонларни тиқиштириш кўзга ташланиб қолмоқда. Мультфильм жуда мураккаб жанр бўлиб, у ижодкорлардан ҳам педагог, ҳам психолог бўлишни талаб қилади. 10-15 дақиқалик қисқа муддатли таъсирчан лавҳа яратиш учун жиддий тайёргарлик ва кучли салоҳият бўлиши лозим. Ижодкорларимиз ҳар доим ҳам бундай талабларга жавоб бера олмаяптилар. Хуллас, болаларга чинакам миллий экран асарлари яратиш бугунги куннинг кечиктириб бўлмас вазифасидир.

Шунингдек, иштирокчилар томонидан киностудияларни махсус техника билан таъминлаш, кадрлар тайёрлаш сингари долзарб муаммолар юзасидан фикрлар билдирилди. Бу соҳада ишларни жонлантириш мақсадида мунтазам равишда ижодий мулоқотларни йўлга қўйишга келишиб олинди.

"Ўзбеккино" МА ахборот хизмати.

ТУЙҒУ

Тоғ

Ҳамроҳларим билан ҳайбати юракка гулгула солгувчи баланд тоғнинг ёлғизоёқ йўлидан ўтар эканмиз, гулхан изларига кўзимиз тушди. Бу ерда аёзнинг совуқларидан кимдир жон сақлаган бўлса керак. Бунда гуркираган олов учқунлари дарёнинг нариги чеккасидаги қишлоқ одамларига ҳам кўрингандир. Нима бўлганда ҳам бу чўққидаги кул уюми одам тафтини эслатиб турибди...

Эҳ-ҳе, бу тоғ умри давомида қанча-қанча йўловчиларга макон бўлгандир-а? Балки у энг тоза қалб эгаларини ҳам, виждони лойқаланганларни ҳам жимгина кузатгандир. Балки аслида коинотдаги энг кичик қум заррасидан ҳам майда мавжудот эканини унутганларни кўрганида ачинган-у, юрагида эзгу ҳислар мавж урувчи олижаноб инсонларга ҳавас билан боққандир.

Ҳайтовур, бу тоғнинг дардини ҳеч ким билмайди. У ҳам суйганидан айрилган ошиқ йигит каби изтироб чекармикин? Ёки ҳар тонг қуёш кўз очаётганини кузатиб шодланармикин?

Унинг дарди кўз ёш-у, ҳайқириқлардан каттароқ, шодлиги эса фарзанд кулгусидан ҳам баландроқ бўлса керак. Шу боис у изтиробни ҳис қилмайдиганлар олдида доимо магрур, доимо сукутда. Балки тоғ шундай улуғвор бўлгани учун ҳам одамлар унга ҳавас қилишар.

Баъзан ҳаётнинг ёлғизоёқ йўлларида азобга дуч келганида чидаб, шодлик дамларида ҳаволанмай масрур яшаган инсонларни кўрганимда ўша баланд тоғлар ёдимга тушаверади...

Гавҳарой МАЖИДОВА

СПОРТ

БОКСЧИЛАРИМИЗ УЧИНЧИ ЎРИНДА



Шу йилнинг 1-12 сентябрь кунлари Италиянинг Милан шаҳрида бокс бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида қатнашган ҳамюртларимиз битта олтин, битта кумуш ва иккита бронза медаль жамғариб, умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллади.

Чемпионатда 75 килограмм вазн тоифасида рингга чиққан Аббос Атоев барча рақибларини мағлубиятга учратиб, иккинчи маротаба жаҳон чемпиони бўлди. Терма жамоамиз сардори Элшод Расулов кумуш, Афина Олимпиадаси совриндори Баҳодир Султонов ва ёш боксчи Ботир Маҳмудов бронза медаль билан тақдирланди.

Россия терма жамоаси саккизта медални қўлга киритиб, барча иштирокчи давлатлар орасида биринчи ўринни эгаллади. Россиялик боксчилар иккита олтин, тўртта кумуш ва иккита бронза медаль соҳибига айланишди. Иккита олтин медаль соҳиби бўлган италияликлар мусобақани иккинчи ўринда якунлади. Учинчи ўрин эса Ватанимиз спортчиларига насиб этди.

ПОЛЬША — ЕВРОПА ЧЕМПИОНИ



Якшанба куни эркаклар ўртасида волейбол бўйича Европа чемпионатининг финал баҳси бўлиб ўтди. Унда Польша ва Франция терма жамоалари ўзаро куч синашди. Муросасиз кечган ушбу беллашувда 3-1 ҳисобида польшаликларнинг қўли устун келди.

Чемпионатда учинчи ўринни Болгария терма жамоаси эгаллади.

ТЕННИСЧИ ЖАРИМАГА ТОРТИЛДИ



АҚШ очиқ чемпионатининг ярим финал учрашувида америкалик теннисчи Серена Уильямс бельгиялик Ким Клейстерсга қарши ўтказган беллашувда спортчига хос бўлмаган хатти-ҳаракатлар қилгани боис 10 минг доллар жарима тўлайди. Бу ҳақда Associated Press ахборот агентлиги маълумот тарқатди. Спортчи ўйин давомида ҳакамга дўқ-пўписа қилиб, уни ўлдирмоқчилигини айтган. Шунингдек, Серена Уильямс рақибининг ракеткасини синдиргани учун ҳам 500 долларлик жаримага тортилган. Ҳозирча буларнинг ҳаммаси огоҳлантириш бўлиб, теннисчининг иши турнир ташкилий қўмитаси томонидан қайта кўриб чиқилади. Шундан сўнг Серена Уильямс тўлайдиган жарима миқдори янада ошиши мумкин.

Ким Клейстерс эса US Open теннис турнирида ғалаба қозонди. У финалда даниялик Каролина Возняцкига қарши кортга тушиб, 7:5, 6:3 ҳисобларида муваффақият қозонди. Эслатиб ўтамиз, Ким Клейстерс ғалабаси учун 1 млн. 600 минг доллар олди ва 2000 рейтинг очкосига ҳам эга бўлди.

Шоҳруҳ СУЛТОНОВ тайёрлади.

Асқад МУХТОР:

ТАФАККУР

"КИМНИНГДИР ЁЗМАГАНИ УЧУН РАҲМАТ..."



Ўзбек адабиётида атоқли адиб ва шоир Асқад Мухторнинг ўзига хос ўрни бор. Унинг бир қанча асарлари китоб шинавандаларига яхши таниш. Ижодкор "Уйқу қочганда" номли асарининг дебочасида шундай ёзади: "Кейинги вақтда — кексалик, хасталик сабаб — жуда кам уйқу бўлиб қолдим. Уйқу қочганда бош-кети йўқ, узуқ-юлуқ ўй-хаёл қалашиб келаверяркан. Шунда тунчироқ остида турган дафтарга баъзи тасодифий фикрларни ёзиб қўядиган бўлдим.

Дафтаримни "Тундалик" деб атадим. Бу "жанр"нинг "кундалик"дан фарқи шуки, унда хронологик тартибдаги воқеалар бўлмайди. Бу гаплар бири боғдан, бири тоғдан бўлса ҳам, кимнингдир фикри ё саъй-ҳаракатига туртки бўлиши мумкин".

Қуйида таниқли адибнинг мазкур китобидан олинган айрим тафаккур дурдоналарини эълон қилмоқдамиз.

Китоб — бойлик. Лекин сотиб олингани эмас, ўқилгани.

* * *

Талант ҳақида куюниб гапирганларнинг ҳаммаси ҳам талантли бўлавермайди. Чунки ҳеч ким ўзини талантсизман деб ўйламайди.

* * *

Кичкина бир яхшилик қилиш учун ҳам одам (балки буюк одам) бўлиш керак. Катта ёмонлик қилишга эса кичик одам ҳам қодир.

* * *

Кичкина бир аҳмоқдан қўрқинг (масалан, у "қизил" тугмачани босиб юбориши мумкин).

* * *

Бу танқидчи мисли жарроҳдек: аввал жиндек мақтов билан ухлатиб, кейин операция қилади.

* * *

Адабиёт фан-техника инқилоби даврида ҳам инсон билан иш кўриши керак. Экзюпери мақтаган самолётлар ҳозир ҳеч нарсага ярамай қолди. Лекин Митти Шаҳзодаси ҳали узоқ яшайди.

* * *

Бахт — бойликда, десангиз, ҳамма бахтсиз. Чунки ақллига кўп нарса керак эмас, аҳмоқ эса барибир тўймайди.

* * *

Инсон — табиат боласи, боланинг гуноҳидан кечиш мумкин.

* * *

Меҳмон яхши-да! Келганида бир хурсанд бўласиз, кетганида — яна.

* * *

Ҳаёт шундай ажойиб мўъжизаки, ўлим унинг эвазига берилган арзимас бождир.

* * *

Кимнингдир ёзганига офарин, кимнингдир ёзмагани учун раҳмат.

* * *

"Мен камтарман" деган одамни камтар экан деб ўйламанг.

* * *

Фақат классика мунозарасиз қабул қилинади. Биз эса классик эмасмиз. Бизнинг асарларимиз қаршиликка учраши, баҳс қўзғаши керак.

* * *

Юрак қони билан ёзган одам узун ёзолмайди.

* * *

"Вақт ўтаяпти!" деймиз сал ҳазинлик билан. Бу гапни инсон ўзини овутиш учун ўйлаб топган. Аслида биз ўзимиз ўтаяпмиз...

С.ТОЖИДДИНОВА тайёрлади.

РАССОМ ХАНДАСИ



Ҳусан СОДИҚОВ чизган сурат.

ФУТБОЛ

МАҲОРАТЛИЛАРГА ОМАД КУЛИБ БОҚАДИ

Ўзбекистон футбол терма жамоаси 2010 йилда Жанубий Африка Республикасида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга кирита олмаганидан кейин юртимиздаги барча мухлислар бор умидини Осиё чемпионлар лигасида қатнашаётган икки етакчи клубимиз "Бунёдкор" ва "Пахтакор"нинг ўйинларига қаратишган. Албатта, футбол ихлосмандлари мазкур жамоаларимизнинг қитъа клублари ўртасидаги энг нуфузли мусобақада юлиб бўлишини хоҳлаши турган гап. Хўш, айни пайтда бу икки етакчи жамоа баҳсларга тайёрми ёки учрашувларга вакилларимиз қандай ҳозирлик кўришмоқда? Умуман олганда, Осиё чемпионлар лигасида зафар қозониш учун имкониятимиз қандай? Назаримда бундай саволлар кўпчиликни қизиқтириши табиий.

Ушбу саволларга жавоб изламоқдан аввал бир нарсани айтиб ўтиш керак, деб ўйлайман. Хабарингиз бор, Осиё футбол конфедерацияси мазкур мусобақанинг плей-офф учрашувларини ўтказиш вақтини эълон қилган эди. Унга кўра, мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилаётган ***"Бунёдкор" клуби билан Жанубий Кореянинг "Похан Стилерс" жамоаси ўртасида бўладиган ўйин 23 сентябрь куни маҳаллий вақт билан соат 17:00да бошланади. Яна бир клубимиз "Пахтакор" ва Саудия Арабистонининг «Ал-Иттиҳод» жамоаси ўртасидаги баҳсга эса 24 сентябрь куни соат 17:00да марказий "Пахтакор" стадионида старт берилади.*** Маълумки, футбол мухлислар билан жозибали бўлади. Тасаввур қилинг, дунёнинг икки етакчи жамоаси вакиллари майдонда тўп суришмоқда. Лекин ўйингоҳда мухлислар жуда оз. Айтиш мумкинки, бундай пайтларда футболчилар ҳам чиройли ўйин кўрсатишга ошиқмайди. Улар фақат ғалабани қўлга киритиш, яъни натижани қайд этиш учунгина майдонга тушишади. Боиси клуб раҳбарияти футболчиларга фақат шундай вазифани топширган бўлади-да.

Эътибор берган бўлсангиз, Англия премьер лигасида бўладиган ҳар бир футбол учрашуви қизиқарли ва чиройли кечади. Бунинг сабаби оддий. Негаки ўйинни бевосита майдонда кузатиш учун саксон-тўқсон минг мухлис стадионга боради. Шу ерда савол туғилади: нега бизнинг миллий чемпионатимиз ёки клубларимиз қатнашаётган Осиё чемпионлари лигаси баҳслари пайтида стадионларимиз ишқибозлар билан тўлиб-тошмайди? Ё Ўзбекистонда футболни севишмайдими? Йўқ, албатта, мамлакатимизда спортга, хусусан, футболга қизиқадиган инсонлар кам эмас.

Лекин Осиё футбол конфедерациясининг қабул қилаётган айрим қарорларини эшитиб, ҳайрон қоласан киши. Уларнинг наздида чемпионат ўтказилса бўлди. Демоқчимизки, Осиё футбол мутасаддилари севимли жамоасига мухлислик қилолмаётгани учун ўзини қўярга жой тополмаётган мухлиснинг дардини тушунмайди. Уларни "Нима учун Европада стадионлар одамлар билан тўлиб-тошади-ю, Осиёда кам одам келиб ўйингоҳ деярли тўлмайди"? — деган савол ҳеч қачон ўйлантирмаса керак. Агар юқоридаги масалалар устида улар бироз бош қотирганида ҳамма ишлар кўнгилдагидек бўлармиди? Минг афсуски, бу йил ҳам ОФК ўз анъанасига содиқ қолди. Ҳеч иккиланмай ОЧЛнинг чорак финал учрашувларини яна иш кунлари — ҳафтанинг чоршанба ва пайшанба кунлари ўтказишга қарор қилишди. Бу ҳам етмаганидек ўйин иш вақти тугамасиданоқ бошланиб бўлади. Бу муаммо бир марта эмас, анча йиллардан бери такрорланиб келмоқда. ОФКга аъзо футбол федерациялари эса бунга жавобан ҳеч нарса қилишолмайди. Боиси ҳанузгача Осиё қитъасидаги кўплаб давлатлардаги футбол стадионлари халқаро стандартларга тўлиқ жавоб бера олмайди. Айтайлик, ёритиш воситаларининг яхши эмаслиги, мухлисларга шарт-шароитнинг ёмонлиги туфайли учрашувлар қош қораймасдан бошланади.

Энди клубларимиз ва улар рақибларининг ОЧЛ учрашувларига кўраётган тайёргарликлари хусусида тўхталсак. Гапни мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони — "Бунёдкор"дан бошламоқчи эдик. Маълумки, бир неча ой илгари клуб бош қарувини бразилиялик машҳур мураббий Ф.Сколари қўлга олди. Бу "қалдирғоч"ларнинг ушбу чемпионатда ғолибликни қўлга киритиш учун биринчи қадамларидан эди. Янги мураббий жамоада бир қатор ўзгаришлар қилди, албатта. Бу кейинги ўйинларда қўл келиши турган гап. Қолаверса, "Бунёдкор" клуби таркибига бразилиялик 22 ёшли яна бир футболчи Леомар Франсиско Родригес келиб қўшилди. Натижада жамоанинг ҳимоя чизиғи бироз мустаҳкамланди. Аммо шунинг ўзи ОЧЛда зафар қозонишга етармикин? Хорижлик таниқли чарм тўп усталарини жамоада тўплайвериш билан ҳамма нарсага эришиш замонавий футболда камдан-кам ҳолларда ўзини оқлаши мумкин. Бугун ҳар бир клуб ютуқларни қўлга киритиш учун ўзидан кучли жамоалар билан ўртоқлик учрашувларини ўтказиб, малакаларини ошириб боришлари керак. Акс ҳолда ижобий натижаларга эришиш мушкул.

Бу гап "Пахтакор" клубига ҳам тегишли. Ҳар икки клубнинг-да бўлғуси ўйинларга ҳозирлик кўриши юқори даражада дейишимиз қийин. Тўғри, икки жамоамиз миллий чемпионат доирасида ва Ўзбекистон кубоги баҳсларида бир қатор учрашувларни ўтказди. Лекин ўзидан кучсиз рақиб билан майдонда тўп тепишдан мақсад нима? Япония ва Корея давлатларида жаҳоннинг грант жамоалари билан учрашувлар ташкил қилиш учун катта-катта маблағлар тўланади. Бу билан улар маҳаллий футболчиларнинг маҳоратини оширишга эришишади.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Маълумки, Осиё чемпионлар лигасининг чорак финалида "Пахтакор" билан баҳс олиб борадиган Саудия Арабистонининг «Ал-Иттиҳод» клуби Испаниянинг Андалусия шаҳрида ўтказилган Тинчлик кубоги учрашувида Мадриднинг «Реал» жамоаси билан 1:1 ҳисобидаги дурангни қайд этди. Шунингдек, ушбу мусобақада Италиянинг, Англиянинг қатор етакчи жамоалари ҳам қатнашдилар. Кучлилар орасида ўйнаган Саудия Арабистонининг «Ал-Иттиҳод» клуби вакиллари ҳамма ўйинларда ғалаба қозонмагандир, лекин футбол сирларини анча ўзлаштиргани тайин. Бу эса ОЧЛда иш бериши аниқ. Шундай экан, бизнинг жамоалар ҳам дунёнинг номдор клублари билан ўртоқлик учрашувларини уюштириб туришса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Дарҳақиқат, футболда ҳамиша маҳоратлиларга омад кулган.

Азим РЎЗИЕВ, "Hurriyat" мухбири.

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. ISSN 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир: Абдурасул ЖУМАҚУЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳосил КАРИМОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририятга келган хатларга ёзма жавоб қайтарилади.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
e-mail: hurriyat@doda.uz
Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11
Андижон — 8-374-250-90-39
Бухоро — 8-365-592-85-02
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Қашқадарё — 8-375-310-17-73
Сирдарё — 8-372-366-99-21
Сурхондарё — 8-376-370-12-01
Фарғона — 8-373-225-80-58
Хоразм — 8-362-226-73-68

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

НавбатчиИномжон АБДИЕВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 21.30

® — тижорат белгиси.

Адади: 10494 Буюртма — Г-826 123 5